O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATA
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 11 октябрь, шанба № 123 (1855). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 11 октября, 2003 г. № 123 (1855). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Ўзбекистон—Грузия:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9—10 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Грузияда бўлди.

Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга берган интервьюсида ушбу ташриф мақсадларига тўхталар экан, ўзаро муносабатларни таҳлил этиш ва истиқболдаги тараққиёт, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масалаларини таъкидлади. Бу борада Грузия билан тўла ҳамфикрлик мавжудлиги Президентимиз самолёти Тбилиси аэропортига қўнгандаёқ намоён бўлди. Грузия ташрифга катта тайёргарлик кўрган — аэропорт ва шаҳар кўчалари икки давлат байроқлари билан безалган, мамлакатнинг ҳаво дарвозасида эса Ислом Каримовнинг сурати ва «Хуш келибсиз, муҳтарам Президент!» сўзлари барчанинг нигоҳини тортиб турарди.

Президентларнинг Кремлдаги ҳукумат қароргоҳидаги дўстона мулоқотида тилга олинган мавзулар қамрови жуда кенг бўлди. Икки томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, қатор халқаро муаммолар, хавфсизлик, дунёвий ва минтақавий миқёсда икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан бафуржа фикр алмашилди.

Сафарнинг иккинчи куни кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бўлиб ўтди. Унда Президентлар суҳбатида кўрилган масалалар янада кенг қамровда муҳокама этилди.

Музокаралар якунида ташкил этилган матбуот анжуманида мулоқотдан, сиёсий ҳамкорликнинг ҳамда турли миқёсдаги бевосита алоқаларнинг ҳозирги даражасидан қониқиш ҳосил қилингани таъкидланди.

Грузия раҳбари икки мамлакатнинг қарашлари бир-бирига тўғри келиши, бунга эса манфаатлар уйғунлиги асос бўлишини қайд этар экан, Ислом Каримов билан суҳбат ажойиб кечганини ва мазкур ташриф тарихий аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Биз нафақат ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилдик, балки алоқаларни ривожлантириш учун қандай восита ва ресурсларимиз борлигини яна бир қайта кўриб чиқиб, бу борада барча имкониятларни ишга солишга келишиб олдик, деди Э. Шеварднадзе.

Ислом Каримов Тбилисида самимий эҳтиром гувоҳи бўлгани, ушбу ташриф муносабатларни таҳлил этиш, янги имкониятларни ўрганиш ва долзарб халқаро муаммолар ҳамда дунёда кечаётган жараёнлар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидлаб, ўзаро ишонч ва ҳурмат, анъанавий дўстлик руҳидаги мулоқот муҳити учун Грузия томонига миннатдорлик билдирди.

Икки мамлакат раҳбарлари тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида БМТ, МДҲ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олди. Терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси билан шуғулланувчи уюшган жиноятчилик каби иллатлар таҳдидига қарши биргаликда кураш масаласида ҳам томонлар фикри ўхшаш. Марказий Осиё ва Кавказнинг барқарорлиги муайян даражада Афғонистон ва Жанубий Кавказдаги вазиятга ҳам боғлиқ. Томонлар бу йўналишда ҳамкорликка тайёр эканлигини билдирар экан, Афғонистондаги тикланиш билан боғлиқ лойиҳаларда биргаликда қатнашиш истагини баён қилди.

Президентлар савдо-иқтисодий муносабатлар кўлами салоҳият ва имкониятлар даражасида эмаслигини таъкидлади. Бунинг асосий сабаби коммуникация соҳасидаги объектив ва субъектив муаммолардир. Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе бу ҳусусда Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Бу комиссия мазкур соҳадаги асосий мувофиқлаштирувчи органдир. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламининг ошиши эса бутун Ўзбекистон—Грузия муносабатлари мажмуининг барқарор ва узоқ муддатли тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис Президентлар ҳукуматларга мазкур комиссияни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш борасида эришилган келишувлар ижросининг амалий чораларини кўриш вазифасини юклади.

Ташрифнинг бевосита иқтисодий соҳага оид амалий натижаларидан яна бирини матбуот анжуманида Ислом Каримов эълон қилди. Президентимиз Грузия томони Поти бандаргоҳидан фойдаланиш бўйича янги имтиёзлар тизимини таклиф этгани ва Ўзбекистон уни қабул қилишини мамнуният билан таъкидлади. Бу Потининг Болтиқбўйи ва Араб денгизидаги бандаргоҳлар билан рақобатлашувига имкон яратгани ҳолда, Ўзбекистон учун янги қулайлик ҳамдир.

Ўзбекистон ва Грузия замонавий Буюк ипак йўлини бужудга келтириш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчиларидандир. Дунёда Кавказ орқали Европа ва Осиёни боғлайдиган бу транспорт тармоғига қизиқиш кундан-кунга ортмоқда. Э. Шеварднадзенинг таъкидлашича, янги Буюк ипак йўли аллақачон амал қиляпти. Унингсиз Европа ва Осиёнинг алоқасини тасаввур қилиш мушкул. Яқинда оғир юк ташувчи автомобилларнинг биринчи карвони Брюсселдан Афғонистонга етиб боргани бунинг тасдиғидир. ТРАСЕКА қатнашчилари олдида турган вазифа эса ушбу йўл бўйида инфратузилмани ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборат. Лойиҳани Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаши, АҚШ Конгрессида унга алоҳида аҳамият билан қаралиши яхши маълум.

Шу боис Президентлар Ўзбекистон — Грузия иқтисодий муносабатларининг муҳим бўғинини ташкил этувчи транспорт коммуникацияларини масаласи теран таҳлил этди. Шунингдек, савдо-сотиқ борасида анъанавий маҳсулотлар билан чекланмасдан, янги товарлар олди-сотдисининг имкониятлари кўриб чиқилди. Грузия томонининг фикрича, биздан фақат пахта ё транзит юк эмас, бугдой экспорт қилиш мумкин. У ёқдан боғдорчилик маҳсулотлари, цитрус мевалар, чой келтириш имконияти бор. Бу масалаларга, таъкидланганидек, ҳукуматлараро комиссия аниқлик киритиб, ечим топиши керак.

Президентимизнинг Грузияга ташрифи ўзаро муносабатлар ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Қўшма баёнотга имзо чекди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида Консуллик конвенцияси, Ўзбекистон ҳукумати билан Грузия ҳукумати ўртасида психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний юргизилишига қарши курашда ҳамкорлик, фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари, даврий нашрлар ва китоб маҳсулотларини айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Булар Ислом Каримовнинг Тбилисига сафари нечоғли самарали кечганини кўрсатади. Таъкидламоқ жоизки, ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги бу саъй-ҳаракатлар бошида бевосита икки мамлакатнинг Президентлари туради. Уларнинг ҳамфикрлиги, муштарак мақсадлар йўлидаги интилишлари мамлакатларимиз муносабатларини ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Буниинг яққол тасдиғи сифатида сафар асносида Ислом Каримов Грузиянинг юксак мукофоти билан тақдирланганини келтириш мумкин. Ислом Каримов Ўзбекистон ва Грузия халқлари ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун мамлакатнинг хориж фуқароларига бериладиган олий мукофоти — «Охрус верди» ордени билан тақдирланди. Грузия ва Ўзбекистон алоқаларини равнақ топтиришга қўшган катта ҳиссаси учун Грузия Президентига давлатимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени топширилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг Грузияга давлат ташрифи истиқболда катта самара берадиган кўплаб амалий натижалар билан якунланди. У икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очиши шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Тбилиси — Тошкент.

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Ҳадемай бошланажак якуний синовларга снайперчи посбон шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Мамаднёр Усмонов ўзига хос тайёргарлик кўрди. Айниқса, соҳаси бўйича билими, тажрибасини бойитди. Бир сўз билан айтганда, асл профессионаларга хос ҳаракат қилди.

— Мавсумни юксак натижалар билан якунлашга жамоамиз шунқорлари азму қарор қилишган. Турли йиғинларда қатнашиб, ихтисослик бўйича билимларни шакллантирдик. Аълo баҳоларни қўлга киритишимизга шубҳам йўқ, — дейди у.

Подполковник Ярослав КОРУКА
суратга олган.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯНГИ ТУЗИЛАЁТГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯ ТАШАББУС ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Азиз дўстлар!

Бугун сизлар билан ўтказилаётган учрашувимизнинг асосий мақсади — ҳаётимизнинг ўзи, тез ўзгараётган замон олдинга сураётган долзарб бир масала устида фикр алмашишдан иборат.

Мендаги маълумотлар бўйича, мана шу учрашувга таклиф этилганларнинг аксарияти анчадан бери битта масала устида бош қотириб, бу борада тегишли идораларга чиқиш, мурожаат этишни муҳокама қилмоқда. Яъни, Ўзбекистон сиёсий майдонида янги партия тузиш ҳақида, унинг гоя ва мақсадлари, таъсис ҳужжатлари, дастури ҳусусида муҳокамалар, баҳслар олиб бориляпти.

Албатта, бундай ташаббус Конституциямиз ва бошқа қабул қилган қонунларимиз доирасида, ҳар томонлама чуқур тайёрланиб, амалга ошириладиган бўлса, бунга, ўйлайманки, ҳеч ким қарши чиқмайди. Ва аксинча, бу таклифлар замиридаги мақсад ва интилишлар ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, одамларимиз, аҳолимизнинг орзу-умидларига мос келадиган бўлса, охир-оқибатда халқимизнинг оғирини енгил қилишга хизмат этса, айни муддао бўлади.

Бугунги учрашувда мана шу қараш ва ёндашувлар, ҳаракатлар бўйича атрофлича мулоҳаза юритиб, фикр алмашиб олсак, табиийки, бу ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Бугун эл-юртимиз кечираётган ҳаёт, давлатимиз, жамиятимиз олдига қўйган эзгу мақсадлар йўлидаги ҳаракатларимиз, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда танлаган бошқариш тизимини амалга ошириш борасида қўлга киритаётган ютуқлар, айни вақтда, шуни ҳам очиқ айтиш керак, ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат қуриш жараёнида дуч келаётган муаммолар ҳақида, ўйлайманки, барчангиз амалий фаолиятингиз мисолида яхши хабардорсиз.

Мен, имкониятдан фойдаланиб, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги ва эртанги босқичида сиёсий партияларнинг ўрни, мавқеи ҳамда вазифалари ҳақида тўхталиб, сиз, янги партия тузиш ташаббускорлари билан мамлакатимиз ҳаётида бу йўналишдаги мавжуд вазият бўйича очиқ гаплашиб олмоқчиман.

Ўйлайманки, бу ҳеч кимга сир эмас — ҳар қандай партия ва ижтимоий ҳаракатнинг пайдо бўлиши, аввалambор, шу юрт ҳаётида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар, аҳолининг, ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва қатламларнинг хоҳиш-иродаси, интилишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бошқача айтганда, ҳар қандай партия ёки ижтимоий ҳаракат, биринчи галда, аниқ гояларнинг тарафдори, муайян гуруҳларнинг манфаатларини аниқ тасаввур қиладиган, шу қарашларни олдинга сурадиган, ҳимоя қиладиган ва ҳаётга татбиқ этиш учун курашадиган куч сифатида майдонга чиқади.

Шу борада ўз-ўзидан аён бўлиши керакки, кўппартиявийлик шароитида ҳар қандай партия ва ҳаракат жамият ва халқ орасида обрў топиш эвазига, аввалambор, сайловолди ва сайлов даврида ўз гоялари, дастури ва амалий ишлари билан сайловчиларни ўзига эргаштира олиш ва кўпроқ овоз тўплаш ҳисобидан қолунчилик ва ижро ҳокимиятларига ўз вакилларини ўтказиш ва шулар орқали ўз олдига мақсад қилиб қўйган гоя ва интилишларни амалга ошириш билан ўзини намоён қилиши табиий.

Шу талабларга жавоб бермайдиган, амалий ҳаёт билан боғланмаган, ҳавойи интилишлар, фақатгина чиройли, лекин қуруқ даъват ва чақириқлар билан яшайдиган сиёсий куч эса — у партия бўладими, ижтимоий ҳаракат бўладими — охир-оқибатда инқирозга юз тутади ва халқ назаридан қолади. Бундай тизим ва ҳолат барча демократик давлатларда табиий бир ҳолга айланган.

Албатта, демократик жамият қуришга бел боғлаган ва бунга эришган давлатларда бирон-бир сиёсий кучнинг ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлиши, обрў қозониши учун, сиёсий партия ёки ижти-

(Давоми 2-бетда.)

● ПРИЗЫВ: ОСЕНЬ-2003

АСКАР УЙГА ҚАЙТМОҚДА

УХОДЯТ ПЕРВЫЕ КОМАНДЫ

Казалось, совсем недавно в печати публиковались Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан и Приказ Министра обороны «Об увольнении граждан, выслуживших установленные сроки срочной военной, альтернативной службы, и очередном призыве в Вооруженные Силы Республики Узбекистан» — и вот уже подошло время первых отправок призывников.

Данное важное событие станет серьезной проверкой слаженности и согласованности взаимодействия органов исполнительной власти на местах с отделами по делам обороны, общественностью, подразделениями службы военных сообщений, охраны правопорядка.

Успешное проведение призывной кампании даст оценку степени серьезности отношения руководителей различного ранга к вопросам обеспечения обороноспособности страны, пополнения армии качественным контингентом, способным уверенно решать задачи по защите суверенитета нашей Родины.

В пятницу на сборном пункте Управления по делам обороны столичной области состоялась встреча призывников и их родителей с представителями воинских коллективов Юго-Западного особого военного округа, прибывшими для отбора призывников. А вечером убыли в ЮЗОВО первые команды посланцев столичной области и города Ташкента.

Фоторепортаж с первой отправки новобранцев из УДО области мы предложим читателям в следующем номере газеты, а пока хотелось бы напомнить представителям всех заинтересованных сторон — каждая отправка в войска должна стать для молодых людей ярким, запоминающимся на всю жизнь событием. От того, какой настрой получат призывники при отправке в войска, в немалой степени будет зависеть успех их службы Родине в Вооруженных Силах.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

Барча қисм ва бўлинмаларда она-Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчларини муваффақиятли ўтаб, хизмат муддатларини ниҳоясига етказишган муддатли хизмат хизматчилари — аскарлар ота-оналари бағрига, уйларига кетишга ҳозирлик кўришмоқда.

Оддий аскар Азизбек Исоқов Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳридан. Аскарлик ҳаётининг сўнгги кунларини бошидан кечираётганлардан бири.

— Мен, — дейди у, — 2002 йилнинг май ойида эгнимга аскарлик либосини кийган эдим. Ўша пайтда бўйим бир метр-у етмиш беш сантиметр бўлган. Ҳозир тўрт сантиметр ўсибман. Вазним етмиш бир килограммни ташкил қиларди. Ҳозир эса етмиш саккиз килограмм бўлибди. Бу энди суратимдаги ўзгаришлар, сиҳратимда ҳам анчагина ўзгаришлар бўлган. Ота-онам мен учун энг қадрдон инсонлар эканлигини янада чуқурроқ англадим. Мустақилликнинг аҳамиятини янада теранроқ тушундим. Хизматим давомида бир умрга содиқ дўстлар орттирдим.

Президентимиз, ҳукуматимиз Ватан ҳимоячиларига жуда катта ғамхўрлик қилмоқда. Айниқса муддатли хизмат хизматчиларига яратилаётган шарт-шароит, имтиёзларни айтмайсизми? Маошимиз оширилди, хизматни тамомлаб уйга кетаётганимизда бериладиган нафақа миқдори кўпайтирилди. Намунали хизмат қилган аскар хизматини тамомлагач, бирон бир олий ўқув юртига кирмоқчи бўлса унга бериладиган имтиёз «Тавсиянома»нинг аҳамиятини таърифлашга сўз тополмаяпман.

Оддий аскар Руслан Ҳужатов Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигидан. У ҳам якин кунларда уйига, ота-онаси бағрига қайтади.

— Армияда хизмат қилиш ёшига етганимдан сўнг учта чақирувни ўтказиб юборганман, — дейди у маъюслик билан. — Чунки чақирилувчилар нўп эди. Талаб эса ихчам. Нима бўлганда ҳам барибир ниятимга етдим. Мустақил Ўзбекистоннинг аскари бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Мана вақт келди, аскарлик фаолиятимни ҳўнгилдагидек якунлаяпман. Командир ва бошлиқларимдан хизматим давомида бир неча бор «Раҳматнома»лар олдим. Барча синов имтиҳонларидан яхши ва аъло баҳолар билан ўтганман.

Сафдошларим оддий аскарлар — Дилёр Маллабоев Фарғона вилоятидан, Умрбек Майлиев Хоразм вилоятидан, Отабек Тўхтамишев Қашқадарё вилоятидан, улар ҳам хизматларини тамомлашиб, уйларига қайтиш тараддудида.

Биз барчамиз бугун бир гапни мамнунлик билан айта оламиз. Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчимизни шараф билан уддаладик.

Айни кунларда кузги чақирув қизғин паллага кирган. Мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари чақирилувчилар билан гавжум. Эрта-индин улар хизматдан бўшатилаётганларнинг ўрнини тўлдиришади.

— Биз, — дейди оддий аскар Азизбек Холмирзаев (Фарғона вилоятидан, олти ой хизмат қилган), — ўз йигитлик бурчларини ўтаб бўлган акаларимизни уйларига яхши кайфият билан кузатиб қўйишга ҳозирлик кўряпмиз. Янги келаётган аскарларни очиқ кўнгиллик билан кутиб олишга тайёрмиз. Бизнинг аъло даражада хизмат қилишимиз учун барча шарт-шароитлар мужассам. Олти ой давомида ўрганган билимларимизни энди келаётган аскарларга қўлимиздан келганча ўргатамиз. Хизматни тамомлаётган акаларимиз бизга бериб кетаётган эстафета таёқчаси ўз эгаларига етказилади.

Подполковник Абдураззоқ ОБРУЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

В Швеции названо имя лауреата Нобелевской премии мира 2003 года. Как сообщается на официальном сайте Нобелевского комитета, награда присуждена адвокату и правозащитнице из Ирана Ширин Эбади. Она награждена за вклад в развитие демократии и защиту прав человека.

✲✲✲

В Ингушетии убит житель Грозного Зелимхан Сааев, который, по оперативным данным, был организатором недавних терактов в Тушино, на Тверской улице в Москве. Он был уничтожен в ходе операции по ликвидации бандгруппы в населенном пункте Яндыры Назранского района Ингушетии.

✲✲✲

В районе парка имени 850-летия Москвы в Марьино на месте бывших полей аэрации обнаружено 10 гектаров дикорастущей конопли. Плантацию показали двое жителей Москвы, которых сотрудники Управления Госнаркоконтроля вместе с сотрудниками ОВД «Марьинский парк» задержали в конце сентября.

✲✲✲

Адвокаты младшего «вашингтонского снайпера» 18-летнего Ли Бойд Малво заявляют, что они попытаются доказать, что в момент совершения преступлений он был невменяемым, так как находился под влиянием Джона Аллена Мухаммада. Между тем, на процессе по делу самого Мухаммада судья решил исключить из дела все показания, касающиеся его психического состояния, так как обвиняемый отказался встречаться и беседовать с экспертом, которого вызвали представители обвинения.

✲✲✲

В преддверии парламентских выборов премьер-министр Японии Дзюнитиро Коидзуми распустил палату представителей японского парламента. Коидзуми назначил новые выборы на 9 ноября. Он полагает, что на предстоящих выборах правящая Либерально-демократическая партия, к которой он принадлежит, сможет получить значительное количество голосов избирателей и провести в 480-местную палату максимальное число «своих» депутатов.

✲✲✲

Заместитель министра обороны США Пол Вулфовиц утверждает, что операция в Ираке, несмотря на существенные потери американской армии, проходит успешно. По его словам, нападения иракских партизан не могут заставить США вывести войска из Ирака. «Не сомневайтесь — операция в Ираке войдет в анналы военной истории как один из величайших актов освобождения страны от жестокого тирана», — заявил Вулфовиц.

✲✲✲

Трое палестинцев были убиты и около 15 получили ранения в ходе операции израильской армии в секторе Газа. Танки и бронемашины вошли в лагерь беженцев в Рафиахе, находящийся рядом с египетской границей. По словам свидетелей, солдаты уничтожили три дома и вступили в перестрелку с палестинцами.

✲✲✲

По факту убийства главного редактора «Тольяттинского обозрения» Алексея Сидорова прокуратурой Комсомольского района Тольятти возбуждено уголовное дело по статье 105 части 1 Уголовного кодекса России (убийство). Сидоров, главред самой читаемой в городе газеты, стал шестым журналистом, убитым в Тольятти за последние годы. Коллеги Сидорова полагают, что это преступление, как и все предыдущие убийства журналистов, не будет раскрыто.

✲✲✲

Нобелевский лауреат по медицине Питер Мэнсфилд сообщил, что он воспринял это сообщение в качестве шутки. «Я совсем не ожидал ничего подобного. Если бы кто-то сказал вам, что вы выиграли Нобелевскую премию, я думаю, реакция 90% населения была бы: «Ага, иди скажи это кому-нибудь другому», — сказал Мэнсфилд. Британец Питер Мэнсфилд вместе с американцем Полом Лотербуром были объявлены лауреатами Нобелевской премии в области физиологии и медицины за их открытия в области магнитно-резонансной томографии.

✲✲✲

10 лидеров стран АСЕАН на Бали подписали соглашение, целью которого является создание единого торгового пространства к 2020 году. К этому времени между странами АСЕАН должны быть ликвидированы тарифные барьеры. Таким образом, объем совместной торговли должен достичь 720 млрд. долларов. Принятый документ называется «Балийское согласие II». Президент принимающей страны — Индонезии — по окончании процедуры подписания документа заявила: «Только что мы стали очевидцами переломного момента в истории АСЕАН».

(По страницам Интернета).

● ОБУНА-2004

„Ватанпарвар“ газетаси муштарийларига

Республикамизда 2004 йил учун даврий нашрларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий нашри «Ватанпарвар» газетасига обуна бошланди.

«Ватанпарвар» газетаси республикамиздаги обрўли нашрлардан бири ҳисобланади. Газетамизга обуна бўлсангиз, унинг саҳифаларида доимий равишда бериб бориладиган мамлакатимиз Қуролли Кучларида олиб борилаётган ислоҳотлар, қисм ва бўлинмалар ҳаёти ва жанговар фаолияти ҳақидаги мақолалар, жангчиларимизни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига доимо шайлик руҳида тарбиялаш борасидаги мунтазам лавҳалар, очерклар билан танишиб борасиз.

Шунингдек, «Ватанпарвар» саҳифаларида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, маданият, таълим, спорт ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа соҳаларида эришган ютуқлари, халқаро ҳаётдаги муҳим янгиликлар кенг ёритилади.

«Ватанпарвар» газетасига обуна республикада жойлашган барча почта алоқа бўлимларида, матбуот тарқатувчи жамиятларда ва матбуот киоскаларида қабул қилинади.

Нашриёт манзили: Тошкент—31, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй. Мўлжал: «Отель Гранд Мир» (собиқ «Россия» меҳмонхонаси). Маълумотлар учун телефон: 56-03-46.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ МАЙДОНИДА ЎЗ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

моий ҳаракат бўлиб шаклланиши учун, шубҳасиз, маълум вақт ва тажриба керак бўлганини кузатиш мумкин.

Агарки, Америка, Европа ёки Осиёдаги ривожланган демократик давлатлар мисолида кўрадиган бўлсак, уларда ҳозирги кунда етакчи куч тариқасида фаолият кўрсатаётган партиялар узоқ ва мураккаб, давомли тарихга эга бўлгани, қанча-қанча ижтимоий-сиёсий кураш ва тўфонларни бошидан кечиргани, халқ ишончини қозониш учун оғир йўлларни босиб ўтгани ва бугун ҳам доимий ҳаракатда эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, ҳар қайси партиянинг ўз тарихи, сиёсий қиёфаси ва, энг аввало, бутун фаолиятининг негизида аниқ ва халққа, жамиятга тушунарли, таъсирчан ғоялар мужассам бўлиши шарт.

Тан олишимиз керакки, биз мустақилликка эришгандан кейинги мана шу 12 йиллик даврда бу масалада ҳам бирмунча ҳаётий тажриба орттирдик.

Бошимиздан кечирган, ўзини оқламаган яккапартиявийлик, зўравонлик тизими, халққа маъқул ёки номаъқул бўладими, фақатгина битта ғоя ҳукм сургани, халқимиз тарихида қандай салбий из қолдиргани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Буни барчангиз Ўзбекистонимизнинг яқин тарихидан яхши биласиз ва бундан тегишли хулосалар чиқаргансиз, деб ўйлайман.

Юртимизда етмиш йилдан кўпроқ яккаҳукмронлик қилган ана шу мафкура, минг афсуски, кўпгина одамларимизнинг онги ва тафаккурига ўрнашиб қолгани ва ҳамон ўз исканжасидан чиқармаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Ҳали-бери ҳаётимизга салбий таъсир ўтказаётган кўпгина мисоллар қаторида боқимандалик касаллиги ҳақида гапирадиган бўлсак, эски замондан қолган бундай асоратлар нақадар кучли эканини сезиш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда биз ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш учун интилмоқдамиз. Бу ҳаётнинг сиёсий-ижтимоий асослари бўлган демократия принципларини, кўппартиявийлик муҳитини мустаҳкамлаш, партиялар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаси, эртанги тараққиётимизнинг гарови бўлиб қолмоқда. Барча тараққий топган демократик давлатлар босиб ўтган бу йўл биз учун ҳам ягона тўғри йўл экани ҳақида такрорлаб гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Ҳаммамизга маълум, ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд бўлган партиялар, яъни Халқ демократик, «Адолат» социал-демократик, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси эски тузумдан мутлақо фарқ қиладиган янгича шароитда, кўппартиявийлик муҳитида ишламоқда, имкон қадар жамиятда ўз ўрнини топишга, одамларни ўз ғояси, ўз дастури атрофида жипслаштиришга интилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг эркин ва озод ҳаёт, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида қўяётган қадамлари барчамизни қувонтиради.

Лекин, таассуфки, шу мақсадга эришишга қаратилган жараёнлар, аввало, ҳақиқий кўппартиявийлик муҳитини барпо этиш, ҳар қайси партиянинг аниқ, фақатгина ўзига хос қиёфага, ўз тарафдорлари ва сайловчиларига эга бўлиши, олдинга сурадиган ғоялари ва дастурларини амалга ошириш учун қатъий кураш олиб бориши жуда суст кечмоқда. Бундай интилиш ва ҳаракатлар, айтиш мумкинки, умуман сезилмаяпти.

Шуни яна ва яна бир бор афсус билан таъкидлашга мажбурман — ҳозир жамиятимизда шу масала бўйича кечаётган жараёнлар ҳеч кимни қониқтирмайди. Ва бундан керакли хулосалар чиқариш айни муддао бўлур эди.

Албатта, барча партияларимизни бир-бирига яқинлаштираётган жиҳатларнинг мавжудлиги — улар сиёсий, иқтисодий мақсад ёки дастур бўладими — бу ҳам табиий ҳол.

Ҳар қандай фаолият кўрсатаётган партия юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги каби ғояларни ўзининг эзгу мақсади деб олдинга суришига, ишончим комилки, ҳеч ким қарши чиқмайди.

Бошқача айтганда, бугун Олий Мажлисимизда ўз фракцияларига эга бўлган кўпгина партияларимиз демократик принциплар ва миллий қадриятларимизга асосланган келажагимизни кўришга бел боғлаганини, шу мақсадда олиб бораётган ислоҳотларимизга муносиб ҳисса қўшаётганини ҳеч ким инкор этолмайди ва бу борада уларни албатта қўллаб-қувватлайди.

Лекин табиий бир саволга жавоб топиш қийин бўляпти. Бу эзгу мақсадларга эришишда ким қандай йўлларни, қандай модел ёки программаларни таклиф этмоқда ва уларни амалга оширишда фидойилик кўрсатмоқда?

Яна битта масала: бу партиялар кимларнинг, қайси ижтимоий табақаларнинг аниқ манфаатларини кўзлайди?

Афсуски, бу саволларга ҳам тайинли жавоб йўқ.

Бугун бизнинг олдимизда турган мақсад битта — озод ва обод, фаровон ҳаёт қуриш, лекин бу мақсадга эришишнинг йўллари кўп. Нима туфайли, нима эвазига, нималарга суяниб ва таяниб амалга ошириладиган қандай дастур асосида биз бу мақсадларга етамиз? Бу борада биз қандай муаммоларни бартараф этишимиз, қандай марраларни эгаллаб, қандай босқичлардан ўтишимиз даркор? Энг қийин масала мана шу ерда.

Бундай вазиятни сиёсий ёки иқтисодий соҳаларда, ижтимоий, маънавий-маданий йўналишларда, умуман, давлат ва жамиятимизни қуриш, уни идора қилиш ва бошқариш масалаларида кузатишимиз мумкин. Нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги авлодларнинг келажагига ҳам таҳдид солаётган, халқаро майдонда тобора кучайиб бораётган янги хавф-хатарларнинг олдини олиш, юртимизда қарор топган тинч ва осуда ҳаётни бу бало-қазолардан асраш мақсадида нималарга нисбатан эҳтиёт ва ҳушёр бўлишимиз, ташқи ва ички сиёсатимизни узоқни кўзлаб, қандай принципларга асосланиб, нималарга ва кимларга таянган ҳолда олиб боришимиз зарур деган саволлар, аввало, сиёсий партияларимизнинг аъзо ва раҳбарларини қийнаши керак эмасми?

Лўнда қилиб айтганда, бугунги вазият бу йўналишларда давлат сиёсатини аниқлаш, якка-ягона тўғри йўлни ишлаб чиқиш ва танлаш масаласида партия ва ҳаракатлардан тинмай бош қотиришни, бу масалаларнинг ечимини топиш мақсадида олиб борилаётган баҳс ва муҳокамаларда ўз фикри ва позициясини ҳимоялашга қодир бўлишни ва ўз ҳақлигини исботлаб беришни тақозо этади.

Лекин, очиқ айтиш керак, бизда бу борада қандайдир лоқайдлик, хотиржамлик ва бепарволик ҳукм сурмоқда. Худдики, ҳамма оғир ва кескин муаммолар бугун ҳам, эртага ҳам ўз йўли билан ҳал бўладигандек, кимдир уларни ечиб беради, деган кайфиятлар устун бўлмоқда.

Аксарият партияларимиз эса курашиш ўрнига, сен менга тегма, мен сенга деб, ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётдан орқада қолмоқда.

Баъзилар, бу катта сиёсат, бунга тажрибамиз ва қурбимиз ҳали етмайди, деб эътироз билдириши мумкин. Бундай қарашлар билан мутлақо келишиб бўлмайди. Нега деганда, сиёсий партия, деб ном олган куч, аввламбор, шундай мураккаб сиёсатга ўз ҳиссасини қўшиш учун майдонга чиқади.

Майли, келинг, бундай стратегик, ўта оғир сиёсий муаммоларни ечишдан кундалик ҳаётимизда ҳар қадамда учрайдиган масалаларга ўтайлик. Ҳеч кимга сир эмас, бугунги жиддий муаммоларимиздан бири — жойлардаги, аввало, ёшлар ўртасидаги ишсизликдир. Бу бир ой ёки бир йилда ҳал бўладиган масала эмас, албатта. Бу муаммонинг илдизи чуқур ва бунга олиб келадиган сабаблар кўп. Бундай мураккаб масалани ечиш учун у билан узвий боғлиқ бўлган бошқа муаммоларни ҳам ҳал этишга тўғри келади.

Аввало, ўйлаб кўрайлик, ишсизлик ўзи нимадан пайдо бўлади? Бу муаммонинг ижобий ёки салбий томонга ўсиши, биринчи галда, иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ.

Айтайлик, иқтисодиёт тез ривожланса, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидори кўп бўлса, экспорт ҳажми ортиб, шу ҳисобидан корхоналарга валюта тушса, албатта, янги-янги иш ўринлари вужудга келади. Ва бу нарса нафақат завод ёки хўжалик, балки шу ерда ишлайдиган ҳар бир инсоннинг даромад ва буромадини ташкил қилади. Натижада ишсизлик даражаси пасаяди.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, барқарор ўсиб бориши — бу қишлоқ хўжалиги бўладими, саноат ёки хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими — шу тармоқларда ишлаётган одамларнинг доимо сезгир ва изланувчан бўлишини, бугунги кун талаб қиладиган касб-ҳунарларни ўрганишни, ўз малака ва савиясини муттасил ошириб боришни, мухтасар айтганда, замон билан тенг қадам ташлашни тақозо этади.

Ҳозирги давр шиддати шундайки, озгина оқсоқликка йўл қўйган одам ёки корхона эртага ҳаётдан орқада қолиб кетиши мумкин. Маҳсулот таннархи ҳам, даромад ва буромад ҳам, турмуш даражаси ҳам замон билан ҳамқадам юришимизга чамбарчас боғлиқ. Бу оддий ҳақиқат бўлса ҳам, уни такрор-такрор айтишга тўғри келмоқда. Одамларни иш билан банд қилишнинг яна бир омили шуки, ҳар қандай шароитда ҳам ташаббус ва изланувчанлик билан яшаш, керак бўлса, тадбиркорлик сир-асрорларини пухта ўрганиб, тинимсиз ҳаракат қилиш ва олдинга интилиш лозим.

Бу масалада Япония ва Корея сингари табиий бойликка деярли эга бўлмаган мамлакатлар тажрибасидан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Улардаги мураккаб шароит, чекланган ресурслар доимий жонсаракликни, ақлни ишлатишни, тап-тақир жойда ҳам имконият топишни талаб қилади ва улар бу борада жиддий ютуқларга эришмоқда.

Демак, ишсизлик масаласини бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган партия ёки ҳаракат, аввало, муаммонинг мана шундай туб илдизларини чуқур ўрганиши, шу хусусда бош қотириши, жамоатчилик ва халқнинг эътиборини шунга қаратиши лозим. Фақат шунинг эвазига улар етакчи ижтимоий ёки сиёсий куч деб ном олиши, эл-юрт орасида чинакам обрў-эътибор қозониши мумкин.

Мактабларимизнинг аҳволига эътибор берайлик. Бугун бизда 30 фоиз мактаб бинолари ночор ҳолатда. Очиқ тан олишимиз керак — бу муаммони, мактаблар масаласини тўла ечишга жойларда куч-имкониятларимиз етишмаяпти. Бу масалани ҳал этишга партиялар қандай ҳисса қўшмоқда? Мактабларни таъмирлаш, ўқувчиларга зарур шароит яратиш борасида улар қандай ташаббус билан чиқмоқда? Азалий урф-одатларимизга амал қилиб, маҳалла билан, жамоа билан биргаликда ҳашар уюштириб мактаб муаммоларини ечиш учун қайси партияда қандай амалий ҳаракат ёки интилиш сезилмоқда?

Сир эмас, бугунги кунда кўп мактабларда янги дарсликлар, китоб ва ўқув қўлланмалари етишмайди. Бир қарашда, бу оддий масалага ўхшайди. Лекин ҳаёт мана шундай оддий масалалардан ташкил топади, шуларнинг таъсирида ўтиб боради.

Шу муаммони ечиш борасида, мисол учун, ўзини ёшлар партияси деб атаган Фидокорлар партияси нима иш қиляпти? Бу масалада бирон мактабга бир-иккита компьютер совға қилиш билан иш битадими? Бу муаммони ҳал этиш учун жиддий ўйлаб, аниқ дастур тузиб, енг шимариб узоқ ишлашга тўғри келади.

Ёки кўп жойларда одамларни қийнайдиган масала — ичимлик суви масаласини олайлик. Бу муаммо нафақат олис қишлоқларда, балки кўпчилик туман марказларида ҳам долзарблигича қолмоқда.

Яқинда аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича 2009 йилгача мўлжалланган ҳукумат дастури қабул қилинди. Кўпгина ташаббуслар қаторида бу дастурнинг ижроси ҳам Президент ва ҳукумат зиммасида турибди.

Энг ачинарлиси шундаки, бу масалалар ҳал бўлганидан кейин улар ҳақида гапирадиганлар, биз ундоқ қилдик, бундоқ қилдик, деб кўкрагига урадиганлар кўпайди, албатта. Халқимиз таъбири билан айтганда, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўладиганлар топилиши шубҳасиз.

Демоқчиманки, агар ҳар қайси партия ҳаётдаги ҳамма муаммоларни эмас, бирор-бир аниқ ишни ўз масъулиятига олиб, уни охиригача ҳал қилишга интилса, фақат шунинг ҳисобидан обрў қозониши мумкин. Менимча, бу мақсадларга эришиш учун ташаббус ва ҳаракат қуйидан, оддий инсонлар орасидан бошланиши керак. Ҳар қандай таклиф-ташаббус тадбиркорлик ва ишбилармонлик маҳсули сифатида юзага чиққан тақдирдагина яхши самара бериши мумкин.

Лўнда қилиб айтганда, халқ ғамини ейдиган, унинг ташвишларини юракдан ҳис этадиган, ўзини етакчи деб ҳисоблайдиган одам доимо ёниб туриши керак. Биринчи галда, ёшларимиз ҳаётда ўз ўрнимни албатта топаман, кўзлаган мақсадимга албатта эришаман, ҳеч кимдан кам бўлишга ҳаққим йўқ, деган туйғу ва сўнмас ҳаракат билан яшаши ва ана шундай маънавий муҳит жамиятимизда барқарор бўлишини истардим.

Бизда бу борада ҳали ишга солинмаган, таъбир жоиз бўлса, теша тегмаган қанча имконият ва бойлик бор. Шуларни кўра биладиган, ўз онгидан ўтказадиган инсоннинг билими, ақл-заковати, ҳаракати ва куч-қудратига ишонган ва суянган ҳолда буни фаровон ҳаётга эришишнинг яккаю ягона тўғри йўли деб ҳисоблайдиган ва шундай ғояларни олға сурадиган сиёсий кучгина ҳақиқий партия бўлиб шакллана олади.

Ҳозир нима бўляпти? Кўпгина партияларнинг фаолияти ҳамон заиф ва мўртлигича қолмоқда, уларнинг айрим раҳбарлари бир поғона ўсдими — дарров доҳийлик касалига йўлиқмоқда.

Улар ўзини қандайдир партиявий фаоллар деб ҳис қила бошлайди. Етакчилик улар учун гўёки касбга айланиб қолмоқда. Ваҳоланки, халқнинг ичида улардан ҳам донороқ, эл-юртнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган, лекин ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаволаниб кетмайдиган, ўзини кўпчиликдан устун қўймайдиган, камтар ва билимдон одамлар кўп.

Шу ўринда ўзимизга яна бир савол берайлик: бугунги кунда партияларимиз сафида бундай аъзоларнинг сони қанча? Фақат қуруқ гап сотиш, сўз юритиш билан эмас, ўз фаолияти мисолида амалий ишлари билан — тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес бўладими, фермерлик бўладими — ўзининг манфаатини, шу билан бирга эл-юртнинг ғамини ва ташвишларини ҳисобга олган ҳолда, каттами-кичикми фойда берадиган ишларни узил-кесил ҳал қиладиган, уни қойил қилиб амалга оширишга қодир одамларнинг сони қанча? Ва партияларнинг бу одамларга таъсири қандай?

Барака топкурлар, айтинглар, нега деҳқон-фермерлар, тадбиркорлар ва ишнинг негизини биладиган кишилар, улар қайси соҳа ва йўналишда меҳнат қилишидан қатъи назар, партияларнинг эътиборидан четда қолиб кетяпти? Бу тоифа ва қатламларнинг манфаатлари, орзу-интилишлари партиялар томонидан қай даражада ифода этиляпти, керак бўлса, ҳимоя қилинаяпти?

Ўйлайманки, бу саволларга жавоб топиш ва бундай масалаларни ечиш вақти келди. Буни жадал суръатда ривожланаётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу вазифалардан келиб чиққан ва уларни инобатга олган ҳолда, янги тузилаётган партиянинг сиёсий қиёфаси, мақсад-дастурини, керак бўлса, тарихимизда тутадиган ўрни ва мавқеини белгилаб, аниқлаб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Энг муҳими, бугун мамлакатимиз, халқимиз танлаган пировард мақсадларга етиш йўлида эришилаётган улкан ютуқ ва марралар билан бир қаторда, ҳаётимизда мавжуд бўлган ғов-тўсиқлар, ечилмаётган муаммо ва нуқсонларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг илдиз ва томирларини аниқлаш асосида керакли хулосалар чиқариш, шу аснода мухтасар фикр юритишимиз айни муддао бўлур эди. Такрор айтмоқчиман: Ватанимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқ ва марраларни ҳеч ким инкор этолмайди ва бунга ҳаққи ҳам йўқ, деб ўйлайман.

Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, не-не офат ва тўфонларни, синовларни бошидан кечириб, қанча-қанча қурбонлар эвазига қўлга киритган озод ва эркин ҳаётни, ўз қадр-қимматимиз, муқаддас динимиз, тилимиз ва қадриятларимизни қайта тиклаб, амалда адолатли демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин иқтисодиёт қуриш имконига эга бўлганимизни, халқаро майдонда Ўзбекистон деб аталмиш келажаги буюк давлатни барпо этишга муяссар бўлганимизни минг йиллик тарихимизда Оллоҳнинг ўзи берган улуғ неъмат, деб қабул қиламиз.

Лекин ҳаммамизга маълум — ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, тез суръатлар билан ҳамиша олдинга интилади. Кимки ҳаёт тараққиёти суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгараётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати.

Мана шунинг учун ҳам барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, кўпроқ эришган ютуқларни фақатгина мақташ, уларга маҳлиё бўлиш ва шу маррада, шу босқичда депсиниб туриш эмас, балки бугун юртимизнинг тараққиётига ғов бўлаётган, унга зарар етказаётган муаммоларимизни очиб ташлаш ва уларни бартараф этишга бутун куч-ғайратимизни жалб қилишимиз шарт.

Айнан шу аснода, келажагимизни ўзимизга яққол тасаввур қилган ҳолда, эртанги кунимизни яхшилаш мақсадида замон талаб қилаётган ислоҳот дастурларини амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилишимиз лозим.

Юқорида зикр этилган мақсадларга эришишда, ўйлайманки, 2000 йилда Олий Мажлисимизнинг биринчи сессиясида қабул қилинган ва кейинчалик, тўққизинчи сессияда янада ривожлантирилган давлат ва жамиятимизнинг барча соҳа ва йўналишларини либераллаштириш миллий дастуримизнинг ўрни ва моҳиятини бирон-бир нарса билан ўлчаш қийин.

Шу дастурни сўзсиз амалга ошириш, уни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий қилиш, керак бўлса, унинг аҳамияти ва моҳиятини кенг оммага сингдириш масаласини бугунги кунда энг асосий, долзарб вазифамиз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Аввало, шуни ўзимизга аниқлаб, чуқур англаб олишимиз зарурки, ва буни ҳеч ким инкор этолмайди, ҳар қандай тараққиёт, олдинга юриш — бу илму фан бўладими, иқтисодиёт, маънавий янгиланиш бўладими — уларнинг барчасини замирида, биринчи навбатда, инсоннинг ақл-заковати, ҳаракати, куч-қудрати туради. Бу ҳақиқат, ҳар қандай сиёсий давлат тизимидан қатъи назар, ягона ҳақиқат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Лекин, ҳеч шубҳа йўқки, инсоннинг, керак бўлса, омма ва халқнинг бундай аломат ва салоҳияти, аввaламбор, эркинлик шароитида намоён бўлади. Бунинг негизида қандай тушунча ва ғоя бор?

Мисол тариқасида иқтисодиёт соҳасини олайлик. Бу соҳа ривожини ўз зиммасига олган оддий ишчи ёки раҳбар бўладими, уларга эркинлик бермасдан, таъбир жоиз бўлса, оёқ-қўлини, онги ва тафаккурини кишанлардан озод қилмасдан туриб, инсоннинг ўз ақл-заковати, куч-қудратини ишга солмасдан туриб ижобий натижага эришиш қийин. Бу ҳақиқатни исбот қилиб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ҳаётнинг турли соҳа ва жабҳаларини кўтарадиган, уларга ривож ва қанот берадиган омил, ҳамма нарсани ҳаракатга келтирадиган куч бу — аввало иқтисодий эркинлик, яъни том маънодаги инсон эркинлигидир.

Шу фикрни ривожлантириб айтмоқчиманки, кишилик тарихида ўзининг буюк имкониятларини доимо кўрсатиб келган ва бугунги замонда яна қайтадан машҳур бўлган куч — бу иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг замини, пойдеври бўлмиш эркин тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатидир.

Агарки, Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий топган жамият ва давлатга айлантириш, аввaламбор, халқимизнинг ҳаётини муносиб даражага кўтариш ва халқаро обрўсини юксалтириш, шу мақсадларга эришиш учун юртимизда осудалик ва тинчлик-осойишталикни сақлашдан бугунги кунда бизнинг жамиятимизда ким энг кўп манфаатдор деб сўраса, мен, тадбиркор ва ишбилармонлар аҳли, деган бўлардим.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — шу мақсадларга эришишда жамиятимизнинг мана шу тоифаси, мана шу қатлами давлатимиз ва халқимизнинг суянчи ва таянчи бўлиши аён.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда ҳар томонлама асосланган шундай бир хулоса чиқариш мумкин.

Яъни, бугун жамиятимизнинг аввало иқтисодий ҳаётида тобора кенгайиб, кучга тўлиб бораётган тадбиркор ва ишбилармонлар, кичик ва ўрта бизнес, фермерлар ҳаракати эл-юрт тараққиётини, мамлакатимизнинг ҳал қилувчи соҳалари ва йўналишларида олиб борилаётган ислоҳотларни кескин суръатлар билан ривожланишини, олдимизда тўсиқ бўлиб турган барча ғов ва нуқсонларни бартараф қилиши масъулиятини ўз зиммасига олиши учун—уларга сиёсий майдонни очиб бериш жамиятимиз ҳаётининг кун тартибига долзарб масала бўлиб кирмоқда.

Шунинг учун ҳам янги партия тузиш ҳақида гап юритар эканмиз, ўз ҳаётининг маъносини ҳам, юрт ва жамият келажаги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини ҳам тадбиркорлик ривожи ва самараси билан боғлаб келган одамларни унинг сафларига бирлаштирсак, ўйлайманки, айни муддао бўлар эди.

Бу ҳаракатнинг асосий ғоялари, мақсад ва вазифаларини сиёсий тил билан ифода этадиган бўлсак, бу ғояларни ўзида мужассам этган партия, ўз моҳият-эътиборига кўра, том маънода айни либерал-демократик партия платформасига тўғри келади.

Айниқса, бу борада юқорида тилга олинган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган либераллаштириш, ўзбекона қилиб айтадиган бўлсак, эркинлаштириш дастури муҳим дастак бўлиши мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизни модернизация қилиш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий ўзаги ва гарови — бу эркинлаштириш сиёсатидир.

Шу маънода, менинг сизларга берадиган тавсиям, бугун тузиш масаласи ўртага қўйилаётган янги партияни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Либерал-демократик партия, деб аташ ўринли бўлур эди.

Бу икки тушунча ўзининг маъно-мазмуни, устун қўядиган ғоя ва мақсадлари бўйича бир-бири билан шундай чамбарчас боғланиб кетганки, уларни бир-биридан ажралган ҳолда кўриш, ўйлайманки, ғайритабиий ва ғайримантиқий ҳол бўлар эди.

Шунинг учун ҳам янги тузилаётган сиёсий куч ва ҳаракатга айнан шундай ном беришга ҳар томонлама асос бор.

Энди, шу фурсатдан фойдаланиб, сиёсий куч тариқасида вужудга келаётган партиянинг қурилиши ва фаолияти билан боғлиқ айрим ҳолатларга эътиборингизни жалб қилишни ўринли деб биламан.

Нафақат янги тузилаётган партиянинг, умуман, ўзини сиёсий ва ижтимоий куч деб эълон қилган ҳар қандай партия фаолиятида пайдо бўладиган энг катта муаммо — шу партиянинг ўз олдига қўйган, унинг сафларини бирлаштирувчи ғояни кенг оммага етказиш ва амалда исботлаб бериш, аввало, шу ғоя ва дастурни барча партия аъзоларининг онги ва тафаккурига сингдиришдан иборат, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Яъни, лўнда қилиб айтганда, бу партия нима учун, қандай ғояларни амалга ошириш учун майдонга чиқмоқда. Ва шу ғоялар нақадар адолатли экани, унинг халқ орзу-умидлари ва замон талабларига нечоғлиқ жавоб бера олишини жамоатчиликка тушунтириб, исботлаб беришдир.

Шу борада яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Тузилаётган партия ўз аъзолари, аввaламбор, унинг асосчи ва етакчи фаолларидан ҳаётимизда кўп учрайдиган хавфли касаллик — амалпарастлик, манманлик, ўзига бино қўйиш ва ўзига ортиқча баҳо беришдан холи бўлишни талаб қилади.

Янги ташкил этилаётган партия фаолиятида ўзининг шахсий манфаати ва интилишларини, бошқача айтганда, ўз амбициясини жамият ва халқ манфаатларидан устун қўйишга асло йўл бермаслик лозим.

Шуни яхши ва чуқур англаб олишимиз керакки, қаерда мана шу касалликнинг хуружи кучайса, шу ерда, аниқ айтиш мумкин, соғлом муҳит йўқолади, мансаб талашиш ва доҳийликка уринишлар авжига чиқади. Охир-оқибатда бу партия сиёсий майдонда пайдо бўлмасдан туриб инқирозга дучор бўлади.

Бу гапни яна давом эттириш, бу масалани яна чуқурроқ тушунтириб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Лекин бу огоҳлантириш бугун мана шу партияни ташкил қилаётган, унга аъзо бўлиб кирадиган одамларнинг қулоғида доимо жаранглаб туришини истардим.

Яна бир олдиндан ўзимизга тасаввур қилишга лойиқ масала: агарки, кимда-ким ўзининг шахсий манфаатига доир муаммоларни янги тузилаётган партия орқали ҳал қилиш, ечиш учун партияга кирмоқчи бўлса — қаттиқ янглишади.

Яна бир ҳақиқатни очиқ айтишга тўғри келади.

Сизларга яхши маълум бўлиши керак ва ўзингиз амалий ҳаётда бунинг кўп гувоҳи бўласиз: тадбиркорлар зоти — буниям сир тутиш керак эмас — ҳаммага ҳам ёқмайди.

Ҳали-бери жамиятимизда бу тоифа ва шу ишга бел боғлаган одамларга нисбатан эски замондан қолган қандайдир шубҳа билан қараш, уларни кимнидир алдаш, ҳақидан уриб қолиш ҳисобидан даромад топадиган кимсалар қаторига қўшиш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин.

Лекин бугунги кунда бундай қарашларнинг камайиб, халқимизнинг онгу тафаккури тобора ўзгариб бораётганини эътиборга оладиган бўлсак, ҳаётимизда уларнинг аста-секин йўқолиши, ислоҳотларнинг чуқурлашуви, демократик ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг жамиятимиздан янада кенгроқ ўрин олиши туфайли ўз-ўзидан барҳам топиши муқаррар.

Бу — биринчидан.

Иккинчидан, бундай салбий қарашларнинг ҳаётимиздан йўқолиши учун аввaламбор тадбиркорларнинг ўзи кўпроқ ҳаракат қилиши ва ўзининг шахсий мисоллари билан бундай шубҳа-гумонлар ўринсиз эканини исботлаб бериши даркор.

Шуни ҳам айтиш керакки, кеча эҳтимол, бундай партия тузиш учун етарли даражада шароит бўлмагандир.

Аммо, агарки, бугун ҳаётимизда тобора кучайиб бораётган янгиланиш ҳаракатларини, дунёдаги тараққий топган давлатлар мисолида эркинлаштириш ва демократлаштириш ҳисобидан эришаётган марраларни инобатга олган ҳолда, барчамизга аён бўлиши зарурки, либерал-демократик ғояларни, платформасини олдинга сурган ҳолда одамларимизнинг турмуш даражасини ўстириш, йўлимиздаги ғов-тўсиқларни олиб ташлаш, Ватанимизнинг тараққиётини жадал суръатлар билан ривожлантириш вақти келди. Ва шу ғоялар ва мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистонимизнинг сиёсий майдонида янги партиянинг пайдо бўлиши айни муддао.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, мен, янги ташкил этилаётган партиянинг мақсад ва ғоялари тариқасида, қуйидаги принципиал масалаларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчи мақсад. Ўзбекистоннинг тараққиётини, унинг оғир-енгилини ўз елкасига, ўз масъулиятига олишга бугун сиёсий куч сифатида бирлашаётган ,мамлакатимизда катта салоҳиятга эга бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар тоифаси ҳақлидир.

Бу ҳаракатнинг асосий мақсади — сиёсий кучга айланиб, тадбиркорларнинг йўлини янада очиб, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий соҳаларда исботлаб бериш, манфаатини ҳимоялаш, эртанги кунини таъминлаш. Шу ижтимоий тоифа номидан Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасига чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш.

Иккинчи мақсад. Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган, унинг стратегик истиқболлари дастурини Конституция принципларига суяниб, бошқа сиёсий партия ва ҳаракатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш учун партиянинг куч-имкониятларини сафарбар этиш.

Ўзбекистон танлаган очиқ демократик, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамияти институтларининг ривожига кенг йўл очиб бериш ва демократик қадриятларни халқимиз, аввало, ёшлар онги ва ҳаётига сингдириш.

Бир сўз билан айтганда, ривож топган бутун демократик халқаро ҳамжамият билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш мақсади янги тузилаётган партиянинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланиши даркор.

Учинчи мақсад. Давлатни бошқариш, жамиятда шаклланаётган қарашларга таъсир ўтказиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳаётимиздаги муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш, Ўзбекистоннинг халқаро обрўйини оширишда, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, асраб-авайлашда, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашиш.

Халқимиз, аввало, ёшларимизни миллий ғоя, юрагида ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним, деб ғурурланиб яшаш руҳида тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш, ҳар қандай шароитда ҳам мустақиллик йўлимизни, қадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримиз, урф-одатларимизни қадрлаш, шу билан бирга, барча миллат ва элатлар қадриятларини камситишга йўл қўймаслик, бундай хуружларга қарши кураш олиб бориш.

Тўртинчи мақсад. Ўзи учун сиёсий платформа деб танлаб олган либерал-демократик ғоялар ва мақсадларни ўз фаолияти билан кенг омма онгига сингдириш, бу борада ҳар томонлама чуқур ўйланган ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, ўз сафини кенгайтириш.

Шу ғояларни ҳаётга татбиқ қилиш учун фидойилик кўрсатган фаолларни депутатликка номзод этиб тавсия қилиш ва сайловчилар ишончини қозониб, ўз депутатлари зиммасига қонунчилик ва ижро ҳокимиятларида вакиллик вазифасини юклаш ва уларни бошқариш.

Содда қилиб айтганда, бу янги партия, бу ҳаракат тадбиркорларга, ишнинг негизини биладиган фаоллар ва фидойиларга суяниб-таяниб, уларни бирлаштириб, ўз олдига қўйган мақсад-марраларга эришиши даркор. Нега деганда, тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам тадбиркорлар ва ишбилармонлар зоти бутун дунёда давлатнинг таянчи ва суянчи, таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай жамиятнинг устуни бўлиб келмоқда.

Амир Темур бобомизнинг, «ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир», деб берган насиҳатларида жуда катта маъно бор.

Ўйлайманки, янги тузилаётган бу партия сиёсий ҳаётимизда мавжуд бўлган ана шу бўшлиқни тўлдиради ва Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган мақсадга етишиш учун ўз муносиб ҳиссасини қўшади.

Барчангизга шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида куч-қувват ва омадлар тилайман.

Военно-политические новости

ГРУЗИЯ УНИЧТОЖАЕТ АВИАБОМБЫ

На бывших советских и российских военных базах в Грузии под наблюдением сотрудников ОБСЕ началось уничтожение авиационных бомб с истекшими сроками хранения, сообщил представитель миссии ОБСЕ в Тбилиси. Процесс ликвидации устаревших боеприпасов профинансирован Великобританией и Финляндией и завершится в июне 2004 года.

ФБР СПОНСИРОВАЛО...

Во времена правления Билла Клинтона ФБР спонсировало предполагаемых боевиков из палестинской группировки ХАМАС. Об этом «Ассошиэйтед Пресс» на условии анонимности сообщили источники в ФБР. По их словам, деньги давались для проверки того, будут ли они использованы в террористических актах. Операция проводилась в 1998 и 1999 годах совместно с израильской разведкой. Действия ФБР были одобрены генеральным прокурором Джанет Рено.

СНЯЛИ САНКЦИЮ ЗА...

Президент США Джордж Буш подписал постановление о снятии военных санкций с Колумбии вслед за тем, как правительство этой страны в прошлом месяце подписало соглашение, позволяющее американцам избегать преследования в Международном уголовном суде. Отмена санкций позволит возобновить США поставки военной помощи в Колумбию. Ранее Вашингтон приостановил поставки военной помощи 35 странам, в том числе Колумбии, отказавшимся подписать соглашение об иммунитете американских граждан перед Международным уголовным судом.

БОЕВИКИ УБИВАЮТ БУШМЕНОВ И...

Представители миротворческих сил ООН в Конго обнаружили в одной из деревень на северо-востоке демократической республики незахороненные тела 23 мирных жителей. «Большинство из них были убиты при помощи мачете (ножей для рубки сахарного тростника — «Газета.Ру») или огнестрельного оружия», — сообщил из Конго представитель ООН. Также он отметил, что деревня, где были обнаружены тела, находится примерно в 70 км к северо-востоку от Бунии. От жителей этой деревни поступили сведения о совершенном убийстве еще 32 мирных граждан, тела которых уже захоронены. Бои за контроль над Бунией, столицей богатой ресурсами провинции Итури, ведут племена хема и ленду. Сотрудники гуманитарных миссий в ДРК и соседних странах заявили, что получают все новые сообщения о каннибализме от тысяч мирных жителей, бегущих из Бунии. В январе представители ООН заявили, что располагают достоверными сообщениями о том, что боевики убивают конголезских бушменов, которых также называют пигмеями, и едят их.

«ВАЖНЫЙ УРОК...»

Специалисты службы безопасности полетов авиации вооруженных сил вырабатывают профилактические меры по предупреждению авиационных происшествий, подобных катастрофе стратегического бомбардировщика ТУ-160 в Саратовской области. Как заявил начальник службы безопасности полетов авиации вооруженных сил России генерал-лейтенант Сергей Солнцев, на самолете загорелись три двигателя, «притом среди них нет того, который накануне был установлен вместо неисправного». Причины пожара пока исследуются. Как сообщил Солнцев, «важный урок состоит в том, что время перехода ситуации в воздухе из аварийной в катастрофическую иногда измеряется мгновениями. Исходя из этого, летчикам необходимо постоянно поддерживать на должном уровне свою контраварийную и парашютно-спасательную подготовку».

НОВЫЕ ПОТЕРИ

Двое американских военнослужащих погибли и еще четверо получили ранения в результате нападения иракцев на военный патруль в северо-восточном районе Багдада, где компактно проживают шииты. Американское командование пока не комментирует ситуацию. О потерях со стороны иракцев также ничего не сообщается.

(По страницам Интернета).

● ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАР БИР ФУҚАРОСИНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИДИР

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ 17-18 октябрь кунлари Қуролли Кучларимизнинг барча қисм ва бўлинмаларида «Қуролли Кучларда хизмат қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг шарафли бурчидир. Ёш аскарларни муносиб кутиб олиш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлганларни иззат-икром билан кузатиш» мавзусида ҳуқуқий билимлар ягона куни ўтказилади.

Ушбу мавзуни ўрганиш ҳарбий хизматчиларга ва аввало, ёш аскарларга ҳарбий хизматнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шарафли бурчи сифатидаги аҳамиятини ҳамда ўз ҳарбий мутахассислигини эгаллашга виждонан муносабатда бўлиш, жанговар ўқув, жанговар шайлик ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга доимо эътиборли бўлиш заруратини чуқур англашларида ёрдам беради. Мавзуни ўрганиш, шунингдек, ёш аскарларни қабул қилиш ва муддатли хизматни ўтаб бўлганларни захирага бўшатиш билан боғлиқ бўлган ташкилий, ўқув, услубий ва моддий-техник масалаларни янада сифатли ҳал қилишда ёрдам беради.

Ушбу мавзу бўйича машғулотларни ўтказишга қисм ва бўлинмаларнинг раҳбарлар таркибини, энг яхши тайёргарликка эга бўлган офицерларни, шу жумладан ҳарбий адлия офицерларини жалб этиш лозим.

Мавзуни икки асосий саволдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Қуролли Кучларда хизмат қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг шарафли бурчидир. Ҳарбий хизматни виждонан ўташ — ҳар бир аскарнинг муқаддас бурчи.

2. Ёш аскарларни муносиб кутиб олиш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлганларни иззат-икром билан кузатиш.

Қисқача кириш сўзида сўнгги йилларда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар жараёнида ҳарбий хизматнинг аҳамияти ва нуфузи анча ошганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Ҳарбий хизмат нафақат конституцион бурчни бажариш, балки нуфузли, жамиятдаги ўз ўрнини онгли, ҳар томонлама ўйлаган равишда танлаш ишига айланди. Ҳарбий хизмат ўзига жалб қилувчи ва шу билан бир вақтда жуда масъулиятли ишга айланди, аскар меҳнати эса жамият ва давлат учун зарурий бўлиб қолди. Бу жуда табиий, чунки мустақил Ватанни, халқимизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилишдан муҳим ва масъулиятлироқ бошқа вазифа йўқ.

Биринчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаш зарурки, мустақил давлатимизни ҳимоя қилиш ва Қуролли Кучлар фаолиятининг ҳуқуқий негизларини, ҳарбий хизмат асосларини белгилаб берувчи қонун — бу Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Конституциямизнинг 52-моддасида **«Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар»,** деган сўзлар битилган. Бундан келиб чиқадики, Ватанни, унинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг тинч-осойишта ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг конституцион бурчи ва муқаддас вазифасидир. **Биз Қуролли Кучларда хизмат қилишни шарафли бурч деб атаймиз.** Чунки ота-юртни ҳимоя қилиш қадим-қадимдан шарафли иш деб ҳисоблаб келинган. Бу билан халқ ва давлат томонидан Ватан ҳимояси бўйича фуқароларга юкланган ва юкланаётган алоҳида масъулият таъкидланган. Конституциямизнинг 125-моддасига эътибор қаратамиз. Унда **«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади»,** дейилган. Ватан ҳимоячиси олдига Конституция қўяётган вазифалардан ҳам шарафли ва масъулиятли вазифалар бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ. Бундай вазифаларни бажариш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг шарафли бурчидир.

Биз Қуролли Кучларда хизмат қилишни муқаддас вазифа деб атаймиз. Ва бу ҳам тамомила тўғридир. Наҳотки дунёда ўз муқаддас ерини, мустақил Ватанини, ўз халқини ҳимоя қилишдан ҳам юқорироқ, муҳимроқ ва муқаддасроқ бирон нарса бўлса? Бу шунинг учун ҳам муқаддас-ки, унда, яъни ҳарбий хизматда халқнинг, республика раҳбариятининг, мамлакат Президентининг жуда катта ишончи ифодаланади. Ва бу ишончни оқлаш учун ўз конституцион бурчини онгли равишда ва масъулият билан бажаришга, ҳарбий хизматга жиддий тайёргарлик кўриш ҳамда бу шарафли бурчни ғурур ва ифтихор билан адо этмоқ лозим.

Ҳар бир ҳарбий хизматчи шуни яхши англаб олиши керакки, ҳарбий хизмат — бу фақат белгиланган ички тартиб бўйича яшаш ва фаолият кўрсатиш ҳамда қоровуллик ва ички хизматни ўташ эмас. Ҳарбий хизмат — бу, аввало, жангчи томонидан ҳарбий касбий билим ва малакаларни, юксак маҳоратни эгаллаб боришнинг узлуксиз жараёнидир. Бу — тактик фикрлаш ва ҳар қандай тиш-тирноғигача қуролланган ва айёр душманга қарши ҳар қандай мураккаб ва ностандарт вазиятларда ҳам ҳаракат қила олиш ва ғалабага эришиш маҳорати. Бу Ватан хавфсизлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти учун ўз ҳарбий бурчи ва юқори масъулиятини чуқур тушуниш ҳамдир.

Ҳарбий хизмат — бу, шунингдек, жангчиларда юқори маънавий-ахлоқий ва иродавий сифатларни шакллантириш. Ва, биринчи навбатда, ватанпарварлик, Ватанга, халққа ва Президентга муҳаббат ва садоқат. Бу — чуқур ижтимоий-сиёсий билимларни эгаллаш ва шу асосда мустақиллик ишининг ҳаққонийлигига комил ишончни шакллантириш, ҳарбий хизматчиларни миллий ғоя ва миллий мустақиллик мафкураси асосида тарбиялаш.

Ҳарбий хизматнинг биринчи кунлариданоқ жангчи Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш каби масъулиятли вазифаларни фақатгина бизнинг миллий ғоямиз ва миллий мустақиллик мафкурасига, мустақиллик ишига, ўз ҳарбий бурчи, халқ ва Президентга садоқатга таянган ҳолда ҳал этиш мумкинлигини чуқур англаб олиши лозим.

Ҳарбий хизматни доимо мардлик ва ватанпарварлик мактаби, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактаби деб атаганлар. Ва бу мактаб ҳарбий хизматнинг ибтидоси — ўз ҳарбий мутахассислигини эгаллаш, ҳарбий интизом моҳияти ва ҳарбий низомлар талабларини тушуниб олиш, ҳарбий Қасамёдда белгиланган ўз ҳарбий бурчини англашдан бошланади. Шу билан бир вақтда, ҳарбий хизмат ёшларга ўз иродасини шакллантириш, юқори инсоний сифатларни эгаллаш, ҳар томонлама жисмоний ривожланиш ва ўз ақлий қобилиятларини намоён этиш учун имкониятлар яратади. Энг муҳими — жангчи ўзининг барча ишларида ғайрат ва тиришқоқлик кўрсатиши керак. Шуни ёддан чиқармаслик зарурки, **ҳар бир аскарнинг ўқув ва хизматдаги, ўз мажбуриятларини бажаришдаги тиришқоқлиги бутун армиямизнинг жанговар қудратини оширади.**

Бугунги кунда касбий маҳорат, ҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя қилиш ва юқори ижрочилик жангчи учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Юқори касбий маҳоратга эга бўлиш, қисқа муддатларда ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлиб етишиш — ҳар бир аскарнинг ватанпарварлик бурчидир. Бунинг учун нималар қилиш зарур?

Биринчи. Доимо ғайрат, тиришқоқлик кўрсатиш. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликнинг барча мавзуларини виждонан ўрганиш. Командирлар ўргатаётган барча нарсаларни диққат билан эшитиш ва ёдда сақлаб қолиш. **Қуроллар ва жанговар техникани ўрганишга — алоҳида эътибор.** Уларни яхшилаб ўрганиш ва муфассал билиш. Шунингдек, техникада ишлаш ва қурол ҳамда ўқ-дорилардан фойдаланиш жараёнида хизмат кўрсатиш қоидалари ва хавфсизлик чораларини яхши билиш. Бошқача айтганда, қурол ва жанговар техникадан тўғри фойдаланиш интизоми талабларига қатъий риоя қилиш. Бусиз қурол ёки жанговар техника, қанчалик такомиллашган бўлмасин, металл ёки деталлар уюмига айланади.

Иккинчи. Сенга ишониб топширилган қурол ва жанговар техникани дадил эгаллашга эришиш. Улардан тактик-техник маълумотларда берилган барча нарсаларни ола билиш. Қурол ва жанговар техникадан фойдаланиш усулларини мукаммал эгаллаш. Ҳар бир операция, ҳар бир усулни бажаришни автоматик тарзда етказиш. Бу эса барча ишлар худди ўз-ўзидан амалга ошаётгандек ҳолатга етказиш, дегани.

Учинчи. Тактик маҳоратни пухталаш ва тактик фикрлаш кўникмаларини эгаллашга алоҳида эътибор қаратиш. **Тактика — жанговар маҳорат негизи ва ғалабанинг асосидир.** Аскар жангдаги ўз вазифаларини яхши билиши зарур. Эҳтимол тутилган душманнинг—унинг қуроллари, жанговар ҳаракат усуллари, унинг маънавий-руҳий ҳолати, бўш ва кучли томонларини билиш, душман ҳаракатидаги тактик хатоликлари ва кучсиз жойларини топа билиш ҳамда унга муқаррар зарба бериб, ўнглаб бўлмайдиган талафот етказиш.

Мана шунинг учун ҳам тактик машғулотларга, машқлар, жанговар техника бошқаруви, жанговар навбатчилик, қоровуллик ва ички хизматга алоҳида эътибор бериш ва астойдил тайёргарлик кўриш лозим. Уларда жанговар маҳорат тобланади, профессионализм, тактик фикрлаш сайқалланади, жангдаги ғалаба негизлари шаклланади.

Тўртинчи. Аскарларда азалдан бир ҳақиқат бор: интизомсиз — ғалаба бўлмайди. Чунки, интизомсиз жанговар шайлик бўлмайди, хушёрлик бўлмайди, одамларни бирлаштириш ва уларни ягона мақсад сари — душман устидан ғалаба қозониш сари йўллаб бўлмайди. Шунинг учун ҳарбий хизматдаги биринчи қадамларданоқ ҳар бир ҳарбий хизматчида жангчиларнинг барча муваффақиятлари негизида мустаҳкам, онгли ҳарбий интизом турганлиги ҳақида аниқ-равшан тушунча бўлмоғи лозим. У қонунлар, низомлар, командир ва бошлиқлар буйруқлари талабларига асосланади. Шу сабабдан ҳам **низомлар, буйруқлар талабларини билиш ва қатъий ижро этиш — мустаҳкам ҳарбий интизомнинг зарурий шартларидир.**

Бешинчи. Доимий ва юқори жанговар шайлик ҳар бир ҳарбий хизматчининг алоҳида аҳамиятга эга иши бўлмоғи лозим. Қуролли Кучларнинг жанговар шайлиги аскар, сержант, офицернинг жанговар шайлигидан таркиб топади. Ҳар бир қисм, взвод, бўлинма, гуруҳ, бўлим, экипаж, расчётнинг жанговар шайлигидан таркиб топади.

Ватан ҳимоясига доимо тайёр бўлиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчидир.

Иккинчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаш зарурки, ҳар йили баҳор ва кузда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни захирага бўшатиш ҳамда ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақирув тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу қарор матбуотда эълон қилинишини билан Қуролли Кучлар ҳаётида **масъулиятли давр — ёш аскарларни қабул қилиб олиш ва сафларга жойлаштириш ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган жангчиларни захирага бўшатишга тайёргарлик кўриш даври бошланади.**

Ёш аскарларни кутиб олиш — бу ҳарбий фаолиятнинг алоҳида, ўзига хос туридир. Ва, шунингдек, командир ҳамда маъмуриятнинг ёш аскарларни қабул қилиш ва сафларга жойлаштириш бўйича **ҳуқуқий ўзаро муносабатларининг алоҳида туридир.**

Ёш аскарларни қабул қилиб олишга бўлган алоҳида эътибор нималар билан изоҳланади?

Биринчидан, маълумки, ёш йигит армияга ўз фуқаролик ҳаётида зарурий тобланиш, чиниқиш олмасдан келади. Шунинг учун у ўз ҳарбий-касбий шаклланишининг бошиданоқ ҳарбий хизматнинг юқори мазмун-моҳиятини чуқур ўзлаштириб олиши, уни бутун юраги ва қалби билан қабул қилиши ҳамда унга ўз муқаддас бурчи сифатида ёндашиши жуда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, ушбу давр ёш йигит ҳаётида оилада яшаш билан боғлиқ бир турмуш тарзидан ўзининг қатъий кун тартиби, қатъий бўйсуниш, юқори жисмоний ва руҳий мураккабликларига эга бўлган ҳарбий турмуш тарзига ўтиш амалга ошадиган алоҳида бир давр бўлади.

Учинчидан, бу давр мобайнида ёш йигитда ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилар ўз вазифаларини жон-дилдан бажариш, жанговар ва ижтимоий-сиёсий билимларни доимо такомиллаштириб бориш, сўзсиз бажарувчанлик, ҳарбий Қасамёд ва ҳарбий низомлар талабларига қатъий ва аниқ риоя қилишини талаб этиши ҳақида чуқур тушунча ишлаб чиқиш зарур.

Ёш аскарларнинг ҳуқуқий мавқеси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун, ҳарбий низомларнинг ҳуқуқий меъёрлари, Мудофаа вазирининг буйруқлари ҳамда тегишли кўрсатмалар билан белгиланади.

Ёш аскарларни қабул қилиш ва сафларга жойлаштириш катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда шахсий таркибнинг бу тоифаси билан олиб бориладиган ишлар пухта режалаштирилади. Бу ҳолда барча даражадаги режаларда қуйидагилар ифода этилиши лозим:

1. Ташкилий масалалар. Командирлар, штаблар, тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосарлари ёш аскарлар келишидан анча аввал ва улар келгандан сўнг қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

— чақирув комиссиялари билан узвий алоқада бўлишлари ва уларни чақирилувчиларга мудофаа ишлари бошқармалари, маҳалла қўмиталари, ўқув юртлари, иш жойлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларидан бериладиган сифатли тавсифнома (характеристика)лар билан таъминлашда ёрдам кўрсатишлари. Маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уруш ва Қуролли Кучлар фахрийлари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари, ўша ерда жойлашган қисм ва бўлинмаларнинг шахсий таркибини кенг жалб этиб, **Чақирилувчилар кунини** ўтказишлари;

— қисм, бўлинмада жангчиларни Қуролли Кучлардан бўшатиш, ёш аскарларни қабул қилиш ва сафларга жойлаштириш даври учун ташкилий ва тарбиявий ишлар бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. Энг яхши тайёргарликка эга бўлган ва интизомли офицерлар, шартнома бўйича хизматчилар ҳамда муддатли хизмат сержантлари орасидан **ёш аскарларни қабул қилиш ва сафларга жойлаштириш бўйича маъмурият тайинлаш;**

— ёш аскарлар йиғинлари фаолларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва ўқитиш;

— ёш аскарлар ва ўқув бўлинмаларидан мутахассислар келишига қараб, уларни қабул қилиш, ўрганиб чиқиш ва жанговар тайёргарлик дастурининг сифатли бажарилиши таъминланишини ҳисобга олган ҳолда уларни штат лавозимлари бўйича жойлаштириш. **Келган ёш аскарларни бўлинмаларга тақсимлаш тартиби Ички хизмат низомида, 7-иловада ифода этилган;**

— келган ёш аскарлар алоҳида, яхши жиҳозланган казармаларга жойлаштириш ҳамда уларга энг қулай маиший шароитлар яратиб бериш. Ёш аскарларни овқатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш. Бу масалани энг қатъий ва доимий назоратга олиш.

II. Ўқитиш масалалари. Ёш аскарлар йиғини машғулотлари ёш аскарларнинг Бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва умумқўшин тайёргарлиги дастурига мувофиқ ташкил этилади.

III. Тарбия масалалари. Ҳарбий хизматнинг биринчи кунлариданоқ янги келган аскар тарбияси тарбиявий ишларнинг умумий вазифалари ва мақсадларига бўйсундирилиши лозим. Шу билан бир вақтда, ёш аскарлар учун иккита асосий йўналиш устувор бўлмоғи керак.

Биринчи — бу ёш жангчиларни мустақиллик ғоялари негизида тарбиялаш, уларда Ватанга, халққа ва Президентга садоқат ҳамда ўз ҳаётини ҳам аямасдан ҳарбий бурчни бажаришга шайлик фазилатларини шакллантириш.

Иккинчи — бу жангчиларда Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, Мудофаа вазири ва ҳарбий низомлар талаблари, командир ва бошлиқларнинг буйруқларини бажариш борасида юқори масъулиятни шакллантириш. Шунингдек, жангчиларда аҳлоқ нормаларига қатъий риоя қилиш, дўстлик туйғусини ривожлантириш, бажарувчан бўлиш, касбий маҳорат, жанговар ва ижтимоий-сиёсий билимларни доимий равишда такомиллаштириб бориш малакаларини ҳосил қилиш.

Шу билан бир вақтда, **режада ёш аскарларни сафларга жойлаштириш** даврида бўлинмада соғлом муҳит яратиш, юқори бажарувчанлик ва хизматни аниқ-равшан ташкил қилиш бўйича қилинадиган ишлар акс эттирилиши лозим. Бу мақсадда умумий характердаги бир қатор чора-тадбирлар, шунингдек, алоҳида офицерлар, сержантлар, аскарлар, бўлинма фаоллари билан ўтказиладиган тадбирлар режалаштирилади.

Ёш аскарларни қабул қилиш бутун шахсий таркибга алоҳида вазифалар юклайди. Энг муҳими — Қуролли Кучлар жангчиси шони ва обрўсини пасайтирмаслик учун ўз куч-қувватини аямаслик, армия нуфузини янада юқори кўтариш, унинг энг олий бурчи — мамлакат ва минтақадаги тинчлик ва барқарорликнинг кафили бўлишини янада мустаҳкамлаш.

Ушбу саволнинг иккинчи қисмини кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаш зарурки, **муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни кузатиш ўзида турли тадбирларнинг бутун бир комплексини жамлаган катта ташкилий-сиёсий воқеадир.** Мудофаа вазирининг ҳар бир ҳарбий қисм ҳаётида бўладиган ушбу муҳим воқеага қўйган асосий талаблари нималардан иборат?

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган жангчиларни захирага бўшатиш **қатъий белгиланган муддатларда** ўтказилиши зарур.

2. Захирага бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жўнатишни **тантанали равишда** ўтказиш. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда намуна кўрсатганларни, энг яхши мутахассислар, спортчилар, фаолларни рағбатлантиришни уюштириш. Тантаналарда бутун шахсий таркиб, ҳокимият маҳаллий органлари, жамоат ташкилотлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари иштирок этишларини таъминлаш.

3. Илғор тажрибаларни, айниқса, захирага бўшатилаётган мутахассислар ишини тарғиб қилишни кучайтириш, бу тажрибаларни кўргазмали ахборот, деворий газеталар, маҳаллий радио эшиттиришлари, «Ватанпарвар» газетасида оммалаштириш.

4. Қисм, бўлинмаларда ўтказилаётган барча ишлар ёш аскарлар онгида ҳарбий маҳоратга эришиш осон эмаслиги ҳақидаги тушунчани аниқ-равшан шакллантириши зарур. Ҳарбий маҳорат аскардан хизматга юқори даражадаги масъулият билан ёндашишни, хизмат вазифаларини жонкуярлик билан бажаришни, кундалик фидокорона меҳнатни талаб қилади. Демак, ҳарбий хизматга бутун борлиғини бахшида этмоқ керак. Бу олижаноб ишга бутун қалб қўрини бағишлаш лозим. Бу ҳарбий хизматчиларнинг кўп йиллик авлодлари, шу жумладан, бугун захирага бўшатилаётганлар тажрибаси билан исботланган.

Захирага бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларни кузатиш тартиби Қуролли Кучлар Ички хизмат низомида, 10-иловада батафсил ёритилган.

Пировардида шуни таъкидламоқчимиз: ҳарбий хизматнинг биринчи кунлариданоқ жангчи мамлакат, унинг халқи, ҳозири ва келажагининг ҳимояси ва хавфсизлиги унинг қўлида эканлигини чуқур англаб етмоғи зарур. Ушбу олижаноб ишга — мамлакат хавфсизлиги ишига бутун хизмат давомида бор куч-қувватини бермоқ лозим. **Бетиним хушёрлик, доимий жанговар шайлик, юқори интизом ва уюшқоқлик ҳамиша ҳарбий хизматчининг ҳаёт қонуни бўлиши** зарурлигини доимо ёдда тутиш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.

Экономика. Наука. Техника

ПРИВЕТ С ПРАРОДИНЫ

Предания о таинственной северной стране — прародине всей земной цивилизации — дошли до нас из глубины веков. А сегодня можно сказать с уверенностью: легендарная Гиперборея действительно существовала. Исследователи даже готовы назвать «адрес»: она располагалась на территории нынешней России, за Полярным кругом. Причем образовалась задолго до Атлантиды.

Научно-поисковая экспедиция, работавшая на Кольском полуострове в глухой ловозерской тундре, предъявила миру сенсационные находки. Там, в районе загадочного Сейдозера, ученые обнаружили циклопические руины —следы мощной древней цивилизации: стены строений, гигантские плиты правильной геометрической формы, просверленные каменные глыбы. Причем и плиты, и отверстия в глыбах явно сделаны с применением технических средств. На камнях сохранились знаки и письмена. Но главным открытием явились остатки настоящей астрономической обсерватории с ведущим в небо пятнадцатиметровым желобом-телескопом.

Возраст находок впечатляет: судя по всему, им не менее двадцати тысяч лет. По мнению ученых, в те далекие времена здешний климат был гораздо мягче: как в нынешнем Средиземноморье.

КЛЕТКИ «РАЗГОВАРИВАЮТ»

Химик из Калифорнийского университета Джеймс Джимзесски решил проверить свое предположение: любой вибрирующий предмет, в том числе и живые клетки, является источником акустических волн, то есть звука. А звук о многом может поведать. Ученый создал прибор, который смог уловить микроскопические колебания. В результате Джимзесски оказался первым слушателем «цитологической арии» и выяснил, что оболочка клеток вибрирует с частотой тысяча герц в секунду. Главное же открытие заключается в том, что «голоса» больных и здоровых клеток звучат по-разному. По утверждению исследователя, в недалеком будущем ученые смогут обойтись без химических анализов, чтобы определить состояние человеческого организма и выявить заболевание на ранней стадии.

НАХОДКА...

На западе австралийского штата Квинсленд обнаружены останки динозавра. Как отметил археолог Дэвид Эллиот, в этом районе были найдены лапы динозавра, что является первой подобной находкой в Австралии в течение последних ста лет. Место обнаружения останков находится недалеко от района, где два года назад был найден самый большой на территории Австралии динозавр, прозванный «Эллиот».

(По страницам Интернета).

Тарбиячи ўқитувчилар анжумани

Ҳар бир командир ёхуд ҳарбий бошлиқ бор-ки, у буйруқ, кўрсатма бериш билан бирга, тарбиячи ҳамдир. Бўлғуси офицер ёки командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларини тайёрлашда фаол иштирок этадиган олий ҳарбий билим юртлари ижтимоий фанлар кафедраларининг ўқитувчилари авваламбор тарбиявий ишлар олиб бориш йўллари, усул ва шаклларини, айниқса, яхши билишлари шарт.

Айнан шу боис ҳам Мудофаа вазирлиги томонидан ҳар йили октябрь ойида мазкур тоифадаги ўқитувчилар билан анжуман ўтказиш анъанага айланган бўлиб, у маълум маънода самара бераяпти. Бу йилги ўтказилган икки кунлик йиғинда Қуролли Кучлар академияси ва олий ҳарбий билим юртлари ижтимоий фанлар кафедралари ўқитувчиларидан ташқари, Ўзбекистон Миллий университети ҳарбий кафедраси ҳамда сержантлар тайёрлов мактаблари ижтимоий фанлар цикллари ўқитувчилари ҳам қатнашишди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М. Аҳмедов, вазирлик Ҳарбий таълим бошқармасининг бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор подполковник Ж. Раматов, Ўзбекистон Миллий университети вакиллари — иқтисодиёт факультетининг декани, иқтисод фанлари доктори, профессор А. Ваҳобов, ахборотлаштириш кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор М. Орипов, фалсафа ва услубиёт кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Н. Шермуҳаммедова ва бошқалар маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Бугун ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, — деди ўз нутқида полковник М. Аҳмедов, — Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш, сержантлар тайёрлов мактабида, айниқса, олий ҳарбий билим юртларида ўқишнинг нуфузи борган сари ортаяпти. Муддатли ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматга, ҳарбий билим юртларига фуқаролар синов натижалари бўйича катта танловдан ўтказиб олинаяпти.

Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртига ўқишга кириш учун жорий йилда бир ўринга — 4,8 (2002 йилда — 2,7); Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар олий билим юртига — 5,0 (2,2); Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар олий ҳарбий билим юртига — 3,5 (2,2); Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртига — 3,1 (1,5); Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетига — 2,9 (2,0) кишининг ҳужжат топширганлиги ҳам бундан далолатдир.

Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ таълим соҳасига ҳамда кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Мазкур соҳадаги давлат сиёсати Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топди. Ушбу дастур асосида Мудофаа вазирлигида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, вазирликнинг Ҳарбий таълим бошқармаси томонидан Олий ҳарбий таълимни ислоҳ қилишнинг норматив ҳужжатлари, мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Жамиятнинг ҳар томонлама янгиланиши ва тараққиётида, мамлакат мудофаа қудратини оширишда, шахсий таркибни ўқитиш ва тарбиялашда миллий истиқлол ғоясининг аҳамиятини курсантлар онгига сингдириш; ижтимоий фанларнинг маънавий-ахлоқий, ҳарбий, ватанпарварлик ва ҳуқуқий тарбиядаги тутган ўрни ва ролидан дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида самарали фойдаланиш; бошқа кафедралар ўқитувчиларининг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий билимларини ошириш, таълим жараёнида улардан унумли фойдаланишларига яқиндан ёрдамлашиш; бу йўналишда турдош кафедралар ва бошқа олий ўқув муассасалари билан алоқалар ўрнатиш; ўқув-тарбия жараёнини, ҳар бир фаннинг ғоявий йўналиши ва тарбиявий аҳамиятини доимий равишда такомиллаштириб бориш; ижтимоий фанлар муаммолари юзасидан илмий тадқиқотлар ўтказиш шулар жумласидандир.

Бу — ижтимоий фанлар кафедраларидан бутун ўқув жараёнини доимо такомиллаштириб бориш, ижтимоий фанларнинг ҳарбий йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва натижаларини ўқув жараёнида қўллаш, кафедра ўқув-услубий кенгаши фаолияти самарадорлигини ошириш ҳисобига ўқиладиган маъруза, амалий машғулотлар сифатини ошириб боришни талаб этади.

Табиийки, Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий маҳоратини ошириш, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай машаққатли синовдан шараф билан чиқиш, аввало ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликни, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, замонавий жанговар техникалар ва қурол-яроғлар сир-асрорларини пухта эгаллашни тақозо этади. Бу ўз навбатида Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган ҳарбийларимизнинг мустаҳкам иродаси, фидойилиги, она юртга меҳр-муҳаббати ва садоқатига сўзсиз боғлиқдир.

Ватанимизнинг Қуролли ҳимоячиси кимга ва нимага хизмат қилаётганини билмас экан, миллий истиқлол ғоясини чуқур идрок этолмас экан, унга мамлакат тақдирини, халқ ҳимоясини ишониб топшириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мана шу залга йиғилган барчамизнинг асосий вазифамиз — бўлғуси офицер, бўлғуси кичик командир шуурига курсантлигида ушбу эътиқодларни чуқур сингдиришимиз лозим.

Жорий йилнинг 1 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртида ҳарбий кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 204—30 сонли қарор қабул қилиниши ҳамда шу асосда Мудофаа вазирининг тегишли буйруғи эълон қилиниши бежиз эмас. Таъкидлаш жоизки, ушбу қарор ва буйруқ нафақат Тошкент олий ҳарбий билим юртига, балки барча олий ҳарбий билим юртларига тааллуқлидир.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ Тошкент умумқўшин командирлари билим юртининг барча командирлар ва профессор-ўқитувчилар таркиби аттестациядан ўтказилди; янги ташкилий-штат тузилиши, билим юрти Низоми тасдиқланди; тактик бўғин офицерлари ва ҳарбий бошқарувнинг маҳаллий органларини қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш факультети фаолият кўрсатадиган бўлди; ўқув қўлланмалари ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди; «Қуролли Кучлар кутубхонаси» рукни остида туркум адабиётлар тайёрлана бошланди; ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар ҳамда тарбиявий ишларни ташкил этиш кафедралари ташкил қилинди (илгари битта кафедра эди).

Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар олий ҳарбий билим юрти ижтимоий фанлар кафедрасида олиб борилаётган ишлар нисбатан анча яхши. Билим юрти ижтимоий фанлар кафедраси Самарқанд давлат университети, қишлоқ хўжалик ва кооператив институтларининг турдош факультетлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Қишлоқ хўжалик институти билан ҳамкорликда «Виждон барча қадриятлар отаси» номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган.

Кафедра томонидан олий ҳарбий билим юртлари курсантларига ёрдам тариқасида «Краткий русско-узбекский толковый словарь интернациональных терминов» номли ўқув қўлланмаси тайёрланиб, чоп этишга тахт қилиб қўйилган. Булардан ташқари яна 4 та ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, билим юрти илмий кенгаши ҳукмига ҳавола этилган. Шунингдек, 23 та илмий мақола ва семинарлар мавзулари бўйича 40 дан зиёд услубий ишлар тайёрланган.

Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар олий билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ва бошқа олий ҳарбий билим юртларида ҳам муайян ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, қилинаётган бу ишлар ҳали етарли эмас. Мамлакатимиз Президенти — Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонининг ҳамда Мудофаа вазирининг 2000 йил 1 майдаги 5-сонли директиваси талабларига жавоб берадиган даражада фаолият кўрсатиш учун қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим:

— барча ўқитувчиларнинг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиши, соф виждонли ва ҳар жабҳада ўрнак бўлиши;

— таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш учун ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашларини, ўқитиш услубини такомиллаштириб бориш;

— ўқитилаётган фанларни миллий истиқлол ғояси асосида янада мустаҳкамлаш, ҳар бир маъруза асосини Ўзбекистон Президенти асарлари, Олий Мажлис материаллари, ҳукумат ҳужжатлари ташкил этишига эришиш;

— кафедраларда маърузалар жамғармасини бойитиш ва такомиллаштириш, маърузалар, шунингдек, ўқув-услубий қўлланмаларни Мудофаа вазирининг 5-сонли директиваси ҳамда бошқа тегишли ҳужжатлар талабларига қатъий амал қилган ҳолда тайёрлаш;

— ўқув жараёнида таълимнинг техник воситаларидан кенг фойдаланишга эришиш;

— курсантларнинг фанларни ўзлаштиришида ўқитувчилар ролини ошириш ва мустақил тайёргарлик машғулотларидан унумли фойдаланиш;

— курсантларни қўл остидагилар билан ишлашга ўргатишга алоҳида аҳамият бериш ҳамда уларнинг якка тартибда ишлаш усуллари маҳоратини эгаллашларига эришиш;

— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги қарори ҳамда Мудофаа вазирининг бу борадаги тегишли буйруғига мувофиқ ижтимоий фанлар кафедраларидаги бўш ўринларга малакали мутахассисларни жалб қилиш;

— ўқитувчилар илмий даражаларини ошириш мақсадида кафедраларда аниқ йўналишли илмий мавзулар бўйича ўқув-услубий ва илмий ишлар олиб бориш;

— курсантларнинг илмий иш қилишга бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида мос рағбат шаклини топиш.

— Бу йилги йиғин жуда самарали бўлди, десам хато қилмаган бўламан, — дейди Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий фанлар цикли бошлиғи майор Р. Қурбонов. — Унда маъруза қилган мутахассис олимларнинг ҳар бир чиқиши жуда сермазмун бўлди. Йиғинда ўтказилган тажриба алмашув ва давра столи жараёнида ўзимиз билмаган кўп нарсаларни билиб олдик.

Ушбу фикрлар нафақат майор Р. Қурбоновнинг, шу билан бирга, йиғинда фаол иштирок этган Қуролли Кучлар академияси маънавий-ахлоқий тарбия ва тарбиявий ишлар кафедрасининг бошлиғи полковник Р. Абдуллаев, Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар олий билим юрти ўқитувчиси подполковник У. Нурматов, Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар олий ҳарбий билим юрти ижтимоий фанлар кафедраси бошлиғи вазифасини бажарувчи майор А. Исмоилов, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ сержантлар тайёрлов мактаби ўқитувчиси капитан Н. Кубаков ва бошқаларнинг ҳам фикридир.

Дарҳақиқат, ижтимоий фанлар ўқитувчилари фаолиятини янада яхшилаш мақсадида ўтказилган икки кунлик йиғиннинг шу соҳада хизмат қилаётган ходимлар, шунингдек, ҳарбий жамоалар учун самара бериши, аниқ. Бироқ, Шарқий ҳарбий округ сержантлар тайёрлов мактаби ўқитувчиларининг унда иштирок этмагани тушунарсиз ҳолатдир.

Подполковник Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ,
Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишларни ташкил этиш ва услубиёти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ТОШУ ТАРОЗИЛИК ДУНЁ

(ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ)

Атрофда одамлар гавжум. Бир четда бошини эгиб чуқур хаёлга ботиб ўтирган Мансур ака елкасига теккан қўлдан сергакланди.

— Сизга ҳам иш керакми, оғайни?

У тепасида савол назари билан қараб турган ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасидаги олифтагина йигитни кўриб шошилганча ўрнидан турди.

— Бўлмаса-чи, иш деб юрибмиз-да бу ерларда. Фақат эрталабдан буён тик оёқда турибман...

— Сумкангиздаги нарсаларга қараганда устага ўхшайсиз? — унинг сўзини бўлди йигит.

— Ҳа, иморатни то тиклашдан тортиб, пол, паталог дейсизми...

— Яхши, ортимдан юринг. Иш ҳақида уйда келишиб оламиз, — гапни кесиб қилди у.

Икки кундан буён бирор юмуш топилмай ҳорғин ўтирган Мансур ака беихтиёр унинг ортидан эргашди.

— Менинг исмим Сардор, — машинасига газ берар экан ўзини таништирди йигит. — Сиз четроқ вилоятданми дейман?

— Янглишмадингиз, бола-чақани боқиш учун тирикчилик деб шу ерларга келдим-да.

У Мансур ака ҳақида маълум маълумотларга эга бўлгач, ортиқча савол бермади. То манзилга етиб боргунча хориж қўшиқларидан эшитиб хиргойи қилиб кетди. Уларни ҳовлида ўттиз ёшлардаги таннозгина аёл кутиб олди. Ҳовлининг бир томонида тўрт-беш хонали замонавий услубда қурилган бино бўлиб, унга қарама-қарши иккинчи томонда ҳам худди шундай услубда қад ростлаган иморат чалажарим ҳолатда эди.

— Мана сизга иш, — чала иморатни кўрсатди Сардор. — Мана шуни бутунлай қўлдан чиқариб берасиз.

— Ў-ҳў, бу ерда жуда иш кўп-ку, — дея қурилишни кўздан кечира бошлади Мансур ака. — Битта ўзимга қийинов, шерик керак бўлади.

— Энди ўзингиз ишласангиз ҳаққи ҳам яхлит бўларди-да, ока. Жуда иложи бўлмаса эртага бозорга бирга борамиз кўнглингизга мос бирорта шерик топиб келарсиз.

Бу жавобдан Мансур аканинг чиройи очилди. Эртасига бозордан новчагина, қотмадан келган Икромжон исмли йигит билан қайтишди. Унинг ўйчан нигоҳидан ҳаёт қийинчиликларини анчагина тотиб кўрганлигини сезиш қийин эмасди. Устачиликда қўли пишган меҳнаткаш бу йигит Мансур ака билан тез тил топишди. Икковлон қилаётган ишлари бир оз арзон баҳоланган бўлса-да, яхлит иш топилганидан мамнун эдилар.

Юртдошлари орасида уста Мансур номи билан ҳурматга эга бўлган Мансур ака зиммасидаги ишни ўта эътибор билан бажарарди. Диди нозик шаҳарликлар хонадонидаги қилаётган ишида ҳам ўзига мос шерик топилганидан хурсанд эди, у. Бироқ дастурхон устидаги танаввул чоғида, ёки беш, ўн дақиқалик нафас ростлаш онларида ҳам оиласидаги мушкул аҳвол ҳаёлидан нари кетмасди. Камҳунлик касалига учраган аёли-ю, мактабга кийиб борадиган оёқ кийимлари анчагина уриниб қолган ўсмир ўғилларини эслаб юраги эзиларди. Қўлида гулдек ҳунари бўла туриб бола-чақасини қийналмай яшаши учун имкон топа олмаганидан гуноҳкор деб биларди ўзини. Бу ерда қилаётган ишлари анчайин йўлга тушиб олгач хонадон соҳибларидан озроқ бўлсада пул сўраб уйига юборишга қарор қилди у. Аммо бир мулоҳаза қийнарди. Меҳнат ҳаққи учун белгиланган пулдан турар жойу еган овқатларинг учун деб фоиз чиқариб ташлаган уй эгалари бунга кўнишармикан. Бу илтимосга биринчи бўлиб хонадон соҳибасининг қошлари чимирилди.

— Иш ҳали якунига етмай туриб пул сўраш. Тавба, шунча уста ишлатиб ҳали бунақасини кўрмагандим.

— Синглим, узр. Оилангдаги ночорликни сизларга тушунтирдим, — бошини маъюс эгди уста. — Иш ҳақимдан оз миқдорда берсаларинг бўлди. Бола-чақам ҳарна тирикчилик ўтказиб турарди-да.

Шундан сўнг эр-хотин орасидаги ўзаро маслаҳатда «қишлоқи»лар шаънига айтилган анчайин нордон гаплардан сўнг, устанинг илтимоси оз бўлса-да қондирилди. Ҳамқишлоқларидан оиласига пул юбориб кўнгли таскин топган Мансур ака ишини янада жадал давом эттирди. У шериги Икромжон билан бирга имкон қадар кечаю кундуз дам олмасликка ҳаракат қилишарди. Икромжоннинг турмуш тарзи ҳам ўзиникидан-да аянчли эканлиги Мансур акага аён эди.

Бир ярим ойдан зиёдроқ вақт ичида чала-ярим ҳолатда турган иморат Сардор ва унинг аёли орзу қилган даражада қад ростлади. Усталар иши хонадон эгаларига нечоғлик маъқул келган бўлса-да, улар мамнунликларини бу икки мардикор устага билдирмасликка ҳаракат қилишарди.

Ва ниҳоят қилган меҳнатлари юзасидан белгиланган ҳақни олиб уй эгалари билан хайрлашадиган вақт ҳам етиб келди. Ишчи аҳлига хос бўлган соддагина кийимларини тартибга келтириб, уй соҳибларидан сўнгги илтифотни кутиб турган икки устанинг олдига хонадон соҳибаси ранги бўзарган ҳолатда келди-да:

— Мана бу сумкаларингни бир очиб кўрсатсаларинг, — деди қандайдир важоҳат билан. — Ҳозиргина сезиб қолдим. Чет элдан янги келтирилган видеомагнитофон подвалда эди, йўқолибди.

Бундай туҳматни хаёлига келтирмаган Мансур ака устачилик анжомлари, иш кийимлари солинган сумкасини очди-ю, қотиб қолди. Сумка ичида кийимларга чалажарим ўралган видеомагнитофон турарди. Икромжоннинг сумкасидан ҳам қандайдир қоғоз қути чиқди. Аёлининг бақир-чақирини эшитиб уй ичидан чиққан Сардор:

— Нима, нима гап бўлди, нега қичқиряпсан, — дея, гўёки ҳайратини яшира олмай уларнинг ёнига келди.

— Нима бўларди, эрталаб иккимиз бозорга кетганимизда ишонган усталарингиз нима ишга қўл урганлигини бир кўриб қўйинг. Ўзи иш бошламай турибоқ тинмай пул сўраганидан сезгандим-а, буларнинг пастлигини.

— Ўйлаб гапиринг, келин. Туҳмат балоси ёмон, — Мансур аканинг ичидан чиққан гап аёлининг ҳақоратомуз қичқиришларига кўмилиб кетди.

Шу орада ҳовлида пайдо бўлган милиция ходими воқеа юзасидан усталардан изоҳ талаб қила бошлади. Кутилмаган бу ҳолат Икромжонни қаҳрат ҳолатга келтириб қўйган бўлса, Мансур ака аламу чорасизликдан қалтираётган вужудини босишга ҳаракат қиларди.

Маълум тортишувлардан сўнг хонадон соҳибларининг «мурувватли» билан икки «гуноҳкор» бир сўм пулсиз кўчага ҳайдалишди. Уларнинг ҳолатини ҳеч бир сўз билан таърифлаб бўлмасди бу пайтда.

Ҳаёт қайтимларини қарангки, орадан бир ой вақт ўтар-ўтмас тирикчилик илинжида юрган Мансур аканинг йўли яна шу маҳаллага тушди. У ўзига таниш бўлган хонадон ўрнидаги кулгепани кўриб қайратда қолди. Унинг ҳолатини ўзича тушунган ҳайдовчи:

— Э-э, ака, бу хонадон бошига тушган кулфат ҳеч кимнинг бошига тушмасин. «Ўт балосидан асрасин», деб шуни айтадилар-да, — дея бўлган аянчли воқеани гапириб берар. Мансур аканинг хаёли эса ўзининг ҳақлигини ҳар дақиқада англатиб турувчи тошу тарозилик дунёнинг қайтимлари билан банд эди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Бу ҳафтада умумэътироф этилган қоидалар ва жамоатчилик фикрига қарши бориш керак эмас. Сиз хизматда изчиллик ва пухталик кўрсатишингиз лозим. Сизда командир ва сафдошларга ўзингизни яхши томондан кўрсатиш имкони бор. Яқинларингиз ва дўстларингизга кўпроқ эътибор қаратинг. Ҳушмуомала бўлишга, хиссиётларга берилмасликка, атрофдагилар манфаати билан ҳисоблашишга ҳаракат қилинг.

БУЗОҚ. Хизматда ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Хавотирланишга сабаб йўқ, бироқ шахсий касбий малакани оширишга ҳаракат қилишнинг айни мавриди. Бу сизга, албатта, зарур бўлади. Бирон гапни гапиришдан олдин яхшилаб ўйлаб олиш тавсия этилади. Хизмат сафарлари сиз учун муваффақиятли бўлади.

ЭГИЗАКЛАР. Руҳингизни туширмасликка ҳаракат қилинг. Бу ҳафтада сизнинг ташаббускорлигингиз, ғояларингиз, командирлар томонидан қабул қилинади, интилувчанлигингиз ижобий баҳоланади. Сиз кутганчалик тез бўлмаса-да, ҳаммаси ўз жойига тушади. Сафдошлар билан яхши муносабатлар. Сабр-тоқатли бўлинг. Ҳафта ўртасида тилингизга эҳтиёт бўлинг — бир оғиз нотўғри сўз можаро сабаби бўлиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА. Бу ҳафтада хизматда муваффақиятга эришиш учун яхши старт олиш жуда муҳим, ғалаба кўлами эса унча аҳамиятга эга эмас. Сиз пала-партишликка йўл қўймай, диққатингизни бир ишга йўналтиринг. У ёғига омад доираси кенгаяди ва сизни тарк этмайди, фақат унинг кичик бир чеккасидан ушлаб қолишга эришиш зарур. Ўз хизмат вазифаларингизни тинчгина бажариб боришга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН. Бу ҳафтада ҳар бир сўзни тарозуга солиб кўринг, чунки эзмалик муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Хизмат фаолиятингиз ижобий натижалар келтиради. Сафдошлар орасида обрўингиз тушмаслигига ҳаракат қилинг. Дўстлар ёрдамига таянишингиз мумкин.

ПАРИЗОД. Бу ҳафтада сиз барча жойларда, сизни яхши билишадиган ва ҳатто, сиз ҳақингизда умуман билишмайдиган баъзи жойларда ҳам жуда керакли бўласиз. Лавозим борасида сизни жуда яхши ўзгаришлар кутмоқда. Сизга катта фойда келтирадиган янги таниш орттирасиз. Сизнинг омадингиз баъзиларнинг қонини қиздириши мумкин, шунинг учун сабр-тоқатли бўлинг, иғвога эътибор берманг.

ТАРОЗУ. Сизни қизғин иш жадвали кутмоқда, хизматда ҳам, уйда ҳам ишлар кўпаяди. Бироқ ўз кучингизга ишонч ҳисси ортади, ҳаракат қилиш истаги туғилади. Сиз ностандарт қарорларга қодирсиз ва улар сизга керак бўлади. Сизга омад кулиб боқади, хизматда лавозим борасида муваффақиятга эришасиз.

ЧАЁН. Ушбу ҳафтада ҳеч қандай ўзга ишларга ва бекорчи суҳбатларга чалғиманг. Бу сизга анчагина бўш вақт келтиради ва ундан хизматда ҳақиқатда муҳим бўлган иш учун фойдаланиш вазиятни сиз учун яхши томонга ўзгартиради. Сизнинг ишчан кайфиятингиз ва уюшқоқлигингиз йиғилиб қолган барча муаммолардан халос бўлишда ёрдам беради.

ЎҚОТАР. Бу ҳафтада сизда бироната янги ва жуда зарур бўлган нарсани ўрганиш имкони пайдо бўлади. Тезкорлик, фаоллик, юзага келган вазиятлардаги ностандарт қарорлар ҳарбий хизматни сиз учун ва сизни кузатаётганлар учун ҳақиқий хурсандчиликка айлантиришда ёрдам беради. Сафдошлар, ва командирларда ўзингиз ҳақингизда яхши фикр туғдириш учун берилган бундай имконият бошқа яқин-орада бўлмаслиги мумкин, ундан фойдаланиб қолиш зарур.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Дунёга файласуфларча назар ташлашга ҳаракат қилинг. Сизни ички бир ҳиссиёт безовта қилиши мумкин. Аммо бу «аждар»ни ташқарига чиқмасидан қўлга олишга ҳаракат қилинг. Имконият бўлса, табиат қўйнига сайр қилинг. Ҳафта охирида кайфиятингиз кўтарилади, хизмат кўнгилдагидек давом этади.

ҚОВҒА. Ўзингизга бўлган ишонч ва ишга лаёқатингизни хизмат вазифаларини бажаришга сарфланг. Ўз қобилиятларингизни ривожлантириш машғулотлари учун яхши давр. Спорт билан шуғулланинг.

БАЛИҚ. Сизнинг салоҳиятингизни намоён этиш ва ўйланган режаларни амалга оширишга имкон яратувчи давр давом этади. Бир оз чарчоқ сезишингиз мумкин. Ҳафта учрашувлар ва турли тадбирларга бой бўлади. Ўз соғлиғингизга қулоқ тутинг — у сизнинг ишончли иттифоқчингиз.

МАКТАБДА, БОҒЧАДА ТАНТАНА

Нукус гарнизонида Мудофаа вазирлигига қарашли 16-сон умумтаълим мактаби ва 1-сон «Қуёшча» болалар боғчаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Ш. Тўхтаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси котибияти бошлиғи З. Шомуротова, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ж. Пирназарова ва бошқалар сўзга чиқиб, ёш авлодни ватанпарварлик, истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаб келаётган устоз-ўқитувчиларга, тарбиячиларга ҳурмат ва эҳтиромларини изҳор этдилар.

Шимолий-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг махсус буйруғига кўра бир гуруҳ ўқитувчилар, тарбиячиларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар топширилди.

Мактаб ўқувчилари ва боғча тарбияланувчилари тайёрлаб келган катта концерт дастури барчага манзур бўлди.

— Мактабимизнинг 20 йиллиги катта тантанага айланиб кетди, — дейди мактаб директори Луиза Утегенова. — Ўқитувчиларимиз ҳам, ўқувчиларимиз ҳам бундан жуда мамнун. Ўзингизга маълум, мактабимизда асосан ҳарбийларимизнинг фарзандлари таълим олишади. Кўпчилик собиқ ўқувчиларимиз офицер бўлиб хизмат қилишмоқда, ҳарбий билим юртларида таҳсил олишмоқда. Ўқитувчиларимизнинг асосий қисми олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар ҳисобланади. Айниқса, А. Жузбоева, Д. Ермекбаева, М. Хазраткулова, М. Мун, М. Қабулова, С. Уразметова, У. Жугуносов, Э. Қодирова, М. Абдураимова, С. Ишимова, С. Нуримбетов каби ўқитувчиларнинг фидокорона хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтса арзийди. Фурсатдан фойдаланиб, бизга ўз ҳурматларини, эҳтиромларини изҳор этган барча меҳмонларга, таълим ва тарбия ишларини ташкиллаштиришда яқиндан ёрдам бераётган ҳарбий округ раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Шартнома бўйича хизмат сержанти А. АРЗИЕВ.
Нукус гарнизони.

Бу ҳақда батафсилроқ маълумотларга эга бўлиш мақсадида Термиздаги чегарачилар ҳудудий штабига мурожаат қилгандим:

— Ҳа, бундай ташаббус майор Улуғбек Акбаров сардорлик қилаётган қисмда қўлланиляпти, — деди тарбиявий ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари майор Ҳакимжон Маматқулов.

Бир пасдан сўнг:—Қисмга қўнғироқ қилдим, бемалол бораверинг, сизни кутиб олишади, — деди у.

Айтганларидек, тезкор навбатчи офицер — майор Нормамат Муродов бизни назорат ўтиш жойида кутиб олди.

Тарбиявий ишлар бўлими катта офицери катта лейтенант Равшан Гулбоев қисмда ҳарбий жамоани жипслаштиришга бағишланган кўнгилга тадбирлар ҳақида гапириб берди. Ёш офицер ёки шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи уйланганида қисм қўмондонлигининг бир гуруҳ вакиллари тўйга бориб, табриклашлари ҳам анъанага айланган экан. Қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Шуҳрат Сафаров ташаббуси билан бу одатга яна бир қўшимча киритилибди. Тўйга олиб келинган совға-саломлар билан бирга меҳмонларга «Ватанпарвар» газетасининг бир неча сонлари ҳам тақдим этилар экан.

Лейтенант Шуҳрат Ўсаровнинг тўйида ёш офицер ва унинг турмуш ўртоғи Шаҳноза бошида бир оз хавотирланишганди. Йиғилган меҳмонлар ҳарбий газетани қандай қабул қилишаркан? Аммо, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди. Тўйга келган меҳмонларда ҳарбий ҳаёт янгиликлари, «Сайёрамиз садоси», «Бу турфа олам», «Турмуш чорраҳалари» каби рукнлари остида берилган материаллар катта қизиқиш уйғотди.

— Ўйлайманки, армия ҳаётидан йироқ юрган айрим ватандошларимиз, ҳеч бўлмаса, шундай тадбирлар баҳонасида қисман бўлса-да, Қуролли Кучларимиз ҳақида маълумотга эга бўлишади, — дейди катта лейтенант Р. Гулбоев. — Ўзимиз севиб ўқийдиган «Ватанпарвар» газетаси орқали улар Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат, фидойилик каби хислатларини ривожлантирса, яхши бўларди. Ёш оила ҳақида ҳам ўқишли мақолалар бериҳтиёр ўқувчи эътиборини ўзига тортади.

Шундан сўнг кейинги сафар чегарачилар Самарқанд вилоятига тўйга борганларида газетани кўпроқ қилиб олиб боришди. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Исомиддин Ҳусанов ва унинг рафиқаси Дилафруз учун бир умр эсда қоларли кеча меҳмонларининг «Ватанпарвар»ни варақлашидан бошланди. Албатта, бутун бир кеча газетхонликка айланди десак, ҳеч ким ишонмас бунга. Аммо, кўпчилик меҳмонларнинг тўйдан сўнг газетани олиб кетишаётгани чегара пости секцияси командирини қувонтирди. Балким, газета эртага уларнинг фарзандлари мудофаа ишлари бўлимига мурожаат қилишига сабабчи бўлар. Демак, тўйда ҳам Ватан ҳимоячилари сонини кўпайтириш каби савоб ишга қўл урилади.

Ҳар қандай об-ҳавода, кечами-кундузми, Ватанимиз сарҳадларини сергак қўриқлаб турган чегарачиларимиз «Ватанпарвар»ни халққа тарғиб қилишда ҳам олдинги сафда. Ўзлари обуна бўлишидан қаноат ҳосил қилмай, ёру-биродарлари, дўстларининг ҳарбий газетани қўришга чорлашаётгани қувонарли ҳол, албатта. Биз газета ижодий ходимлари янги мавзулар, қизиқарли янгиликларга сиз, азиз газетхонлар учун, бой рукнларни янада кўпайтиришга ҳаракат қиламиз.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Тошкент—Термиз—Тошкент.

● ОБУНА — 2004

„Ватанпарвар“ни тўйда ҳам ўқишади

Яқинда Термиз гарнизонида бўлганимизда, чегарачилар қисмида ажойиб бир анъана борлигини эшитиб қолдим. Янги ҳарбий оила дунёга келган тўй кечасида меҳмонларга «Ватанпарвар» газетаси тақдим этиларкан..



— «Ватанпарвар»нинг янги сони аввало менинг қўлимга тегади. Ахир, қисмнинг жамоатчи почтачисиман-да. Уни жамоадошларимга келтираётиб, ҳатто йўл-йўлакай ўқишга уринаман. Қадрдон газетани жамоага етказишнинг завқи бўлакча-да, — дейди оддий аскар Ихтиёр Эгамбердиев.

Александр МРУЧАК суратга олган.

● ТВОРЧЕСТВО МОЛОДЫХ

Ваш выход, юная звезда!

Мы привыкли к тому, что на сценах наших театров выступают, в основном, уже сложившиеся артисты с достаточно большой творческой биографией. Отрадно, что в последние годы ситуация коренным образом начала меняться, и об этом говорит такой факт, как появление в спектаклях молодых, начинающих артистов.

Одна из таких новых «звездочек» — выпускница Ташкентской государственной высшей школы национального танца и хореографии, лауреат международного конкурса Мадина Ниязова. О несомненном таланте юной балерины говорит ее недавняя победа на Международном фестивале хореографического мастерства в Киеве «Юность балета-2002», куда она ездила со своим партнером Нуржаном Кулыбаевым. Выступая на фестивале, Мадина получила серьезную травму. Но, найдя в себе силы, вышла на сцену и смогла вырваться в финал. Это тем более примечательно, что соперники, даже несмотря на проблемы нашей пары (по возвращении в Ташкент выяснилось, что у балерины была сломана нога, после чего пришлось на некоторое время наложить гипс), были не в состоянии оказать достойного сопротивления.

Будучи студенткой Ташкентской государственной высшей школы национального танца и хореографии, которая ежегодно дает отчетные концерты выпускников, Мадина стала первой ученицей, выступающей на них, не достигнув статуса выпускницы! Изначально мало кто из педагогов обращал на молодую балерину внимание (ведь ее одноклассникам по 18—19 лет, а Мадине всего 16!), но однажды она сама, проявив настойчивость, показала «домашнюю заготовку» — практически без ошибок, невероятно пластично и в то же время отточенно исполнила сложный фрагмент спектакля «Шопениана». В течение неполных трех месяцев юная артистка сумела проявить себя так, что вызвала серьезную заинтересованность со стороны наставников. С этого времени с Ниязовой начали заниматься опытные педагоги, активно готовя ее к сольному выступлению на одном из отчетных концертов. Такого успеха в школе хореографии до Мадины еще не было. Именно поэтому выбор пал на нее и Нуржана Кулыбаева (он очень эмоциональный и выразительный партнер), когда пришло приглашение принять участие в Киевском фестивале.

Сейчас М. Ниязова, несмотря на свой юный возраст, уже принята в труппу Большого театра оперы и балета имени А. Навои, где танцует в спектакле «Лебединое озеро» и солирует в «Шопениане». Кстати, эту постановку Мадина вместе со своим партнером Н. Кулыбаевым исполняла в прошлом году на прошедшем на сцене театра отчетном концерте, посвященном юбилейному выпуску Ташкентской государственной высшей школы национального танца и хореографии. Это выступление стало своеобразным бенефисом молодой балерины, где она также танцевала «Копеллию» Л. Делиба. В тот вечер в зале был полный аншлаг, Мадине восторженно аплодировали зрители, в числе которых была и прославленная Бернара Кариева.

Отрадно, что Узбекистан с каждым годом становится богаче такими юными дарованиями, как Мадина Ниязова. И если так будет и впредь, то наша культурная жизнь никогда не оскудеет, а страна сможет гордиться своими талантами.

О. СЕРГЕЕВА.

ВРЕМЯ В ОБЪЕКТИВЕ ФОТОЖУРНАЛИСТА

В Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека открылась выставка известного фотожурналиста Рустама Шагаева на тему «Прошлое и настоящее», организованная Национальным информационным агентством Узбекистана — УзА — совместно с Академией художеств.

На фотоснимках, представленных на выставке, посвященной 85-летию данного высшего учебного заведения, нашли свое отражение образы наших трудолюбивых соотечественников, этапы развития отечественной науки, пейзажи родной природы, созидательная работа нашего народа, национальные обычаи и традиции.

Произведения бывшего выпускника этого университета Р. Шагаева, который в настоящее время работает фотокорреспондентом УзА, с большим успехом демонстрировались на многих престижных выставках за рубежом.

Н. УСМОНОВА,
корр. УзА.

ХАНДАЛАР

— Доктор, айтингчи, соғликни ҳеч қандай пулга сотиб олиш мумкин эмаслиги тўғрими?

— Э-э, ким сизга бундай бемаъни гапни гапирди?

***

«Янги рус»нинг қизи иншо ёзмоқда:

«Бор эканда, йўқ экан, бир камбағал оила бўлган экан. Ота билан она камбағал экан, қизлари ҳам камбағал экан... Уларнинг хизматкорлари ҳам камбағал экан. Ҳайдовчилари ҳам камбағал экан. Ҳатто, қўриқчилари ҳам камбағал бўлган экан...»

***

Машҳур пианиночидан бир аёл сўради:

— Муҳтарам маэстро, айтингчи, пианиночи бўлиб туғилиш керак дейишади, шу тўғрими?

У бир оз ўйланиб турди ва деди:

— Жуда тўғри, азизам. Туғилмасдан туриб, пианино чалиб бўлмайди.

***

— Булутлар ва хотинлар орасида қандай умумийлик бор?

— Улар ўтиб кетгандан сўнг ажойиб кун бошланади...

***

Милиционер оиласида эгизаклар туғилди. Касбдошлар унга савол беришди:

— Сен уларни қандай ажратиб оласан?

— Жуда осон — бармоқ изларидан...

М. САИДИВАЛИЕВ,
тайёрлаган.

● ТУРФА ОЛАМ

«ЯПРОҚ» ТЎСИҚ

Сўнгги даврда шаҳардан ташқаридаги йўлларда автомобилларнинг ёввойи ҳайвонлар билан тўқнашуви кўплаб содир бўлиб турибди. Хайриятки эндиликда бундай ҳалокатларнинг олдини олиш йўллари излаб топилмоқда. Бунинг учун ўзидан ўткир ҳид таратувчи «япроқлар» керак бўлди, холос. «Япроқ» пластмассадан тайёрланган бўлиб, у йўл четидаги дарахт шохларига боғлаб қўйилади. Ундан таралган махсус ҳид эса ёввойи ҳайвонларни катта йўлга йўлатмайди, чунки улар бу ҳиддан ҳуркийдилар. Ана шундай синов Мюнхенда ўтказилди ва самарали натижа берди.

ТУРФА ХИЛ ИҚЛИМ

Чили шимолидаги Атакама чўли дунёдаги энг қуруқ жой ҳисобланади. Маълумотларга кўра, ушбу ҳудуд 100 йилда бор-йўғи бир неча маротаба ёмғир кўради, холос. Дунёдаги энг иссиқ жой эса Калифорния штати ҳудудида жойлашган «Ўлим водийси»да 1917 йил 43 кун мобайнида 49 даража иссиқ ҳарорат қайд этилган. Аксинча, жаҳондаги энг совуқ жой деб Антарктида тан олинган. 1983 йил 21 июлда «Восток» станциясидан олиб борилган кузатишлар у ердаги ҳарорат 89,2 даража совуқни ташкил қилишини кўрсатган.

З. ИСОҚОВА тайёрлади.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Жавоблар шаклга «занжир» ва кесишган ҳолда ёзилади.

1. Байрамларда ўтказиладиган оммавий томоша. 2. Оптик асбоб. 3. Африкада тарқалган шифобахш ўсимлик. 4. Танаси қаттиқ шимол дарахти. 5. Оила бунёд бўлишида ўтказиладиган маросим. 6. Озод, эркин. 7. Раҳбар аёл лавозими. 8. Электродинамика фани асосчиларидан бири, француз олими. 9. Ип газлама тури. 10. Жунидан тўқилган либос. 11. Ўзбек спортчиси, жаҳон чемпиони, таниқли қиличбоз. 12. Қон томири тури. 13. Қовун нави. 14. Бир мақсадда турувчи. 15. Замбаракнинг акс зарби. 16. Дунёда оммалашган тил. 17. Қорамолнинг маҳсулдор зоти. 18. Ҳамдўстликдаги давлат. 19. Қурол-ярог. 20. Игнабаргли дарахт. 21. Идрок. 22. Рақамли ўйин. 23. Жангда қўлланиладиган ҳимоя воситаси. 24. Езув асбоби. 25. Калит. 26. Чорвадор. 27. Бирор соҳага оид қонун-қоида, тартиблар мажмуи. 28. Инсоннинг яқинларига самимий муҳаббати. 29. Тараққиёт. 30. Спорт мусобақасида томошаларнинг кураши. 31. Радиоактив элемент нурининг тури. 32. Пардоз ашёси. 33. Мой олинадиган экин тури. 34. Шифобахш дуккакли жануб гиёҳи. 35. Заргарликда ишлатиладиган маъдан. 36. Ҳажм ўлчови бирлиги. 37. Миллат.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 120-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН РАҚАМ АТРОФИГА СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА: 1. Галаба. 2. Ғумай. 3. Гумбак. 4. Газал. 5. Гайрат. 6. Галла. 7. Галвир. 8. Гарам. 9. Гаввос. 10. Гаров. 11. Гирром. 12. Гамза. 13. Галаён. 14. Гайри. 15. Гашиш. 16. Гулжа. 17. Гижжак. 18. Гузор. 19. Гозгон. 20. Голиб.

МУАММОНОМА:

ОЧҚИЧ СЎЗЛАР: 1. Заргар. 2. Ҳаким. 3. Ўлпон. 4. Баҳс.
ҲИКМАТ:
Кўпни билган оз сўзлар.
Оз бўлса ҳам соз сўзлар.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам и субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0356.